



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

47-48 (265) ● 2013 йил 4 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

3 **ПАРТИЯ ҲАЁТИ**

Мақсадларга муштарак ҳолда ташкил этилган тадбирлар сиёсий етакчи сифатидаги билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, келгуси фаолиятда барчамизга асқотади



5 **ЖАРАЁН**

Конституция шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, дини, тилдан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминловчи дастуриламал ҳужжатдир



6 **МАЪНАВИЯТ**

Юртимизда истиқлол йилларида хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги турини ривожлантириш, мавжуд аъёнларни замонавийлик билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

- 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,05 баравар оширилсин.
- 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 96 105 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 187 970 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 187 970 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз миқдорларга бериладиган нафақа ойига 115 340 сўм миқдорига белгилансин.
- Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
- Ҳўжалик ҳисобидаги қорхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2013 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Махсталиев Аббосбек Муҳаммадалиевич — Тошкент шаҳри «Пахтакор» профессионал футбол клуби аъзоси
Мўминова Нафиса Алишеровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Истомин Денис Олегович — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Санокүлова Замиражон Бахтиёржоновна — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Фармонов Мирзохид Шухратович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Халмуратов Мураджан Юлдашевич — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Самарали меҳнати, ташаббускорлиги ва алоҳида ютуқлари билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий ва маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Утемуратов Рўстем Муратбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

«Жасорат» медали билан

Исмоилов Ойбек Валижонович — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси посбони
Йўлдашев Шерали Саффарович — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги «Кўшбармоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари
Талипов Бахтиёр Ходжимуратович — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори
Худайкулов Эркин Эшимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларни ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони назоратчиси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Мейлиев Анзор Артикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Баходиржон Ихтиёрович — Навоий давлат қончилиқ институти талабаси
Аскарлов Тохиржон Абдуқадир ўғли — Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчиси
Атаджанов Жасурбек Абдушарифович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Биллинг Телеком» филиали дастурчи-муҳандиси
Болтаев Бехзодбек Матёқуб ўғли — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси
Бурибаев Рустамджан Садикджанович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемаси иккинчи ўқувчиси

Жўраева Феруза Абдурахим қизи — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Шабнам-нурли замин» фермер хўжалиги бошлиғи
Ортиқов Мумтоз Тулкинжонович — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Бунёдкор» ёшлар телеклуби бош координатори
Пирнасов Аббор Толибович — Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Раҳмонов Хуршидбек Дилмуротович — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Кубаро-Диёр» фермер хўжалиги бошлиғи
Тахиров Мурат Юлдашевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси авиатехниги
Тўйчиев Олимжон Алижонович — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси
Шаробидинов Билолидин Бахтиёр ўғли — Тошкент тиббиёт академияси талабаси
Эрманов Орзумурод Шомурадович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг пўлат эритиш цехи устаси
Юсупов Баходир Бахтиёр ўғли — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси
Юсуфова Мунира Юсуфова — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси
Юлдашев Акмалходжа Авазходжаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Афросиёв» электропоезди машинисти

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

Миллий-маънавий юксалишнинг ҳуқуқий пойдевори

Мамлакатимиз мустақиллик шарофати билан барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритди, демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқ турмуш даражасини муттасил ошириб бориш йўлида ибрат ва эътиборга сазовор натижаларга эришди. Юрт тинчлиги, Ватан тараққийети, Халқ фаровонлиги умуммиллий гоёси атрофида жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш ва уни амалга ошириш бўйича қадамлар ташланди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, жамиятимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик истиқлол йилларида ўзбек жамияти эришган энг катта ютуқ ва бойлик сифатида эътироф этилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси том маънода миллий тараққийетимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, фаровон ва осуда ҳаётимиз, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишларда эришилган ютуқ ва натижаларимизнинг ҳуқуқий асоси, халқимизнинг ёруғ ва порлоқ келажагига замин яратган Асосий Қонун, инчунун, демократик суверен давлатимизнинг ҳурлик тимсоли, миллатимизнинг фахру ифтихори, ғурур ва шаъни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, бурч ҳамда



масъулиятининг мустаҳкам қафолатига айланди.

Давлатимиз раҳбари бош Қомусимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида эътироф этганидек: «Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққийёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституцияимизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини аққол намоен этади».

Асосий Қонунимизда инсонпарварлик ва эзгулик тамойили устувор саналади. Унинг асосий моҳияти инсонга муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ва ҳаётини фаровон қилишдан иборатдир. Эътироф этиш жоизки, 128 моддадан иборат асосий Қомусимизнинг 30 дан ортиқ моддаси, жумладан, «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлими, оилага бағишланган XIV боби ҳамда бошқа қатор боблардаги моддалар ўз мазмун-моҳияти билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган. Шунингдек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш (37-модда), қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш (39-модда), малакали тиббий хизматдан фойдаланиш (40-модда) ҳуқуқларига эгаллиги, инчунун, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш (43-модда), вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда) қатъий белгилаб қўйилган.

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этиш борасида Конституцияда белгиланган норма ва принциплар асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Мазкур жараёнда Ўзбекистоннинг демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастури, энг аввало, миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи стратегия сифатида майдонга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантикий давоми сифатида хизмат қилмоқда. Мазкур қонун аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янги нормалар билан бойитиш билангина чекланиб қолмайди. Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламент тизими шакллантирилганидан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ўртасида ўзаро кураш, соғлом рақобат, баҳс-мунозара кучайиб бормоқда. Тўпланган ана шу тажрибани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уни демократик талаб ҳамда мезонлар, янги нормалар, таърифлар билан бойитиш зарурати мавжуд эди. Қабул қилинган ушбу Конституциявий қонун ана шундай эҳтиёжлар маъсули сифатида дунёга келди. Бир сўз билан айтганда, ижро ҳокимияти фаолияти ва қабул қилинаётган қарорлар устидан сиёсий партиялар воситасида жамоатчилик назоратини шакллантиришга, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган ушбу Конституциявий қонун Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўла жавоб беради. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизнинг бутун сиёсий тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, жамиятни демократлаштириш ва янги босқичга кўтариш жараёнида бевосита ва чуқур ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг кучли давлатдан — кучли жамият сари ишонч билан олдинга интилишида парламент палаталари кўша мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш



Миллий-маънавий юксалишнинг ҳуқуқий пойдевори

ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» муҳим аҳамият касб этмоқда. Ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик асосида амалга ошириш таъминлашдан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегияси сифатида эътироф этилмоқда. Унда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш дастури бўйича мамлакатимиз Парламенти томонидан қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 2011 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим кадам бўлди. Кенг миқёсдаги янгилаш ва ўзгаришлар жараёнида бош Қомусимизга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгариш ва янгилашлар нафақат сиёсий тизимга, шунинг баробарида, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига ҳам салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Озод ва обод Ватан раванқи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларимиз ва мақсадларимизга ҳамоҳанг бўлган мазкур қонун ҳужжатлари тараққиётимизнинг янги марраларини бошлаб берди. Қонун сиёсий партиялар фаолиятини тубдан янгилаш ҳамда ваколат ва имкониятларини, маъсулиятини янада кучайтириш ва кенгайтиришга, шунингдек мамлакатимиз сиёсий тизимини ислох ва модернизация қилишга

қаратилганлиги билан жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Концепцияга асосан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик (қонунчилик) ҳокимиятининг назорат функциясини кучайтиришга қаратилди.

Умуман, ўтган йиллар давомида Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, юртимизни ҳар томонлама юксалтириш ҳамда дунёдаги мавқени янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конституциямизда қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглиги, шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлининининг ҳуқуқий принциплари белгилаб берилган. Жумладан, бош Қомусимизнинг 15-моддасида

Сиёсат

«Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб белгилаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, юртимизда қонун устуворлигини ҳамда Конституция ва қонунларга тўла амал қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури қабул қилиниб, унинг қоидалари ҳаётга татбиқ этилаётгани бевосита юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга, бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўла англаб етишига хизмат қилмоқда.

Конституциямиз, ўз навбатида, миллий иқтисодийимиз асосларини, унинг тараққиёти ва ривожланишини ҳам мустаҳкамлади. Ҳатто тараққий этган мамлакатлар иқтисодий қудратига зарар етказётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам Ўзбекистон яли ички маҳсулотининг 8 фоиздан кам бўлмаганлиги алоҳида эътиборга сазовор катта ютуқларимиздан биридир. Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг эзгу хос модели дунёда ривожланишнинг «Ўзбек модели», дея тан олинган бичмабизини бирдек қувонтиради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси принциплари ва нормалари мазмун-моҳиятида нафақат ривожланган мамлакатлар, балки халқимизнинг кўп асрлик миллий-маънавий, маърифий қадриятлари, анъаналари, бой тарихий мероси, миллий давлатчилик ва ҳуқуқий-сиёсий таъриблари ҳам ўз аксини топган. Айни шу асосда мустақилликнинг илк қурадан халқимизнинг миллий-маънавий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари, бой тарихий меросини қайта тиклаш ва фуқаролар, айниқса, ёшларни улارга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз азалдан маънавият, маданият, таълим ва тарбия соҳаларида катта таъриб ва бой меросга эга бўлиб келган. Уларни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва келажак

авлодга ўз ҳолича етказиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳамда вазифаси бўлиб қолади. Zero, асосий Қонунимизнинг 49-моддасида: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбур диллар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди». Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг кўп асрлик миллий қадрият, анъана ва урф-одатларини, бой тарихий меросини асраб-авайлашни ўзининг устувор дастурий мақсади сифатида белгилаш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз фаолияти давомида бу каби партиявий ва зифаларни амалга татбиқ этиш жараёнида конституциявий қоида ва меъёрларга таянади.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизда кечяётган улкан бунёдкорлик ишлари, миллий-маънавий юксалиш, янгилаш ва ўзгаришлар жараёнида давлатимиз Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциянинг ҳаётийлиги боис мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатлик таъминланди, аҳоли турмуш тарзи фаровонлашиб, юртимиз йилдан-йилга тараққий этиб бормоқда. Мамлакатимизнинг беш ҳуқуқий ҳужжати бўлган Конституцияни тарғиб қилиш, давлатимиз рамзларини умуммиллий гуруҳ ва эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлашни ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифалари сирасига кириди. Ушбу дастурий вазифалар ижроси партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари ва депутатларидан янада фаол, ташаббускор ҳамда маъсулиятли бўлишни талаб этади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Қўмитаси раиси

Фракция ҳаёти

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида фуқаролар фаровонлигини янада ошириш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Эътироф этилганидек, ушбу лойиҳа жорий йил 22 апрелда кучга кирган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга оширилиши юзасидан ишлаб чиқилган. Маълумки, янги таҳрирдаги Қонундан олдинги таҳрирда назарда тутилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маъмурий комиссияларига тегишли бўлган нормалар чиқариб ташланган. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий комиссияларни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар қаторидан чиқариб ташлашга қаратилган ўзгаришлар киритиш таклиф қилинмоқда.

Фракция аъзолари эътиборига иккинчи ўқишда ҳавола этилган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Эътироф этилганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул



қилиниши 2014 йил учун тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш борасида ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди. Шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш имконини беради. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда маъқулланди.

Фракция йиғилишида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат суд қарорларини мажбурий ижро этиш амалиёти янада таъминлаштириш мақсадларига қаратилган бўлиб, ижро ишини юритиш доирасида мол-мулкни

боҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Фракция аъзолари ЎзМТДПнинг суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиш каби дастурий вазифаларини амалга оширишда ушбу қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи-назари шакллантирилди ва тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Қонун кучга кирди

Ободлик ва эзгулик маскани

маҳаллаларда сайлов жараёни қизгин кечмоқда

Истиқлол йилларида маҳалла институтига эътибор кучайиб, йилдан-йилга унинг ваколати кенгайиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан юртимизда маҳалла институтининг мавқени мустаҳкамлаш, имконият ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида маҳаллалар янада обод ва фаровон бўлиб, аҳолининг, жамиятнинг ижтимоий аҳамиятига эга бўлган масалаларини ҳал этувчи масканга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини, шу билан бирга миллатлар ўртасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодини тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси маҳаллани ўзбекона меҳр-оқибат, тинчлик ва осойишталик, маънавият ва тарбия, эзгулик масканига айлантиришга хизмат қилмоқда. Шу боис маҳалла миллий қадриятларни тарғиб қилиш, худудни комплекс ривожлантириш, фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтириш борасидаги эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим куч сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этмоқда.

Жорий йилда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши маҳаллаларни аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш, уларнинг давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш йўли-

даги вазифаларини янада кенгайтиришга имкон яратди.

Айни пайтда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови адолат, муқобиллик ва ошкоралик тамойилларига асосланган. Таъкидлаш жоизки, бу йилги сайлов янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талаблари янада такомиллаштирилгани билан аввалги сайлов жараёнларидан фарқ қилади. Мазкур қонунга кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия, Ишчи гуруҳ ваколатларининг янада ортгани сайловларнинг демократик тамойилларга уйғунлигини таъминлайди. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан жойларда сайловга тайёргарлик, уни ўтказиш жараёни қизгин давом этмоқда.

Бу йилги сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш борасида Бухоро вилоятида ҳам қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Вилоят миқёсида бу йилги сайловларда 503 та фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтади. Бухоро шаҳрида эса 65 та маҳаллада сайловлар ўтказилиши кўзда тутилган. Бугунги кунга уларнинг 33 тасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва 283 нафар маслаҳатчилар сайланди. Таъкидлаш жоизки, демократик тамойиллар асосида ўтган мазкур сайловларда сайланган маҳалла раислари (оқсоқолари)нинг 19 нафари биринчи марта ба сайланди. Шунингдек, сайловларда аёллар ва ёшларнинг иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 283 нафар сайланган маҳалла маслаҳатчиларининг 134 нафари аёллардан иборат эканлиги мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият ва давлат бошқарувида уларнинг иштирокини кенгайтириш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг амалдаги ифодаси эканлигидан яққол далolat беради.

Эътироф этиш лозимки, сайловлар жараёнида очиклик, ошкоралик ва адолатчилик принципларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Хўжамушкин маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловлар мисолида бунга яққол кўриш мумкин. Мазкур маҳаллада сайлов жараёнига қизгин тайёргарлик олиб борилиб, адолатли тарзда ўтказилган сиёсий жараёнда фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқини эркин амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайдиган меъёрларга эътибор қаратилди.

Қолган маҳаллаларда ҳам сайловга қизгин тайёргарлик давом этмоқда. Ишчи гуруҳ вакиллари сайлов жараёни тўғри ташкил этиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Шунингдек, фуқаролар орасидан сайлов жараёнида бевосита иштирок этадиган фаол вакиллар танлаб олинди, улар сайлов жараёнининг адолатли ўтишига маъсул сифатида бичиртириб қўйилди. Бу борада сиёсий партиялар вакиллари ҳам сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайловларни оқсоқ сабабда ташкил этиш, уларнинг очик ва ошкоралигини таъминлашга кўмаклашмоқдалар. Жумладан, ЎзМТДП Бухоро вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши Ижроия Қўмиталари маҳалла сайловларида муносаб иштирок этиш борасида белгиланган чора-тадбирлар асосида фаолият олиб бормоқда. Партия фаоллари, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари сайлов жараёнларининг бориши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли хабардорлигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, очик ва ошқора сайлов жараёнлари юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим тарқийбий қисми ҳисобланади. Шундай экан, мазкур жараёнларда фаол иштирок этиш ҳамда унинг очик ва ошқоралигини, ҳаққонийлигини таъминлашда ҳар бир фуқаро маъсулият билан ёндашиши лозим.

Шоира АХМЕДОВА,
халқ депутатлари
Бухоро шаҳар Кенгашига
ЎзМТДПдан сайланган депутат

Тараққиётимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси

партия ҳудудий Кенгашларида ўтказилган тадбирлар Конституциямиз тарғиботига қаратилди

БУХОРО

— Бош Қомусимизда белгиланган нормаларга қатъий амал қилиш миллий ўзликини англаш ва мустақиллик гоёларига содиқликни белгилловчи мезондир, - деди ЎзМТДП Жондор туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолатидир" мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари М.Шаропов. — Конституциямиз ҳалқимизнинг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқликни ифода этиб, нафақат бугунги кунимиз, балки буюк келажикимизнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида хизмат қилмоқда. Бахтимиз Қомуси миллий давлатчилигимиз аънаналари, ривожланган демократик давлатлар Конституцияси таъриби ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини ўзида акс эттиргани билан ажралиб туради. Айниқса, унда оила институтини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид алоҳида қонун киритилгани, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш борасидаги нормаларнинг акс эттирилгани халқимизга хос миллий қадриятларнинг қонуний ифодаси бўлди. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, партия Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, давлат рамзлари бўлиши Байроқ, Герб, ва Мадҳияни умуммиллий гуруҳ ва эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлашни ҳар томонлама тарғиб қилишга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади. Шубҳасиз, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги фуқароларнинг Конституция берган имконият ва кафолатлардан унумли фойдалана олишига, ҳуқуқ ва манфаатларини чуқур англашига кўп жиҳатдан боғлиқдир, - деди нотик.

Дарҳақиқат, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда партия туман Кенгаши аъзолари, туман бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, ўқитувчи-мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ходимлари, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Б.Матмуратов бугунги ахборот асрида ёшларни турли ёт гоёлар ва мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш учун, аввало, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш зарурлигига эътибор қаратди: — Глобаллашув боис "оммавий маданият" бутун дунёга маънавий хавф-хатарга айланди. Шу маънода халқимизни турли маънавий таҳдид ва ахборот хуружларидан асраш, халқро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Ҳар қандай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари турли салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилувчи муҳим омил саналади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларни турли маънавий ахлоқий таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий қадрият, аънава ва урф-одатларга садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Таъкидланганидек, бугунги кунда маънавий-мафқуравий таҳдидлар ўз кийфасини тез-тез ўзгартириб тургани, бу йўлда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан устамонлик билан фойдаланилаётгани барчадан хушёрликни талаб этмоқда. Айниқса, бу жараёнда миллий қадриятлар ва азаллий аънаваларни сақлаб қолиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ҳамда Қизирик туман Кенгаши ҳамкорлигида "XXI аср — интеллектуал авлод асри" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия вилоят ва туман Кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, туман "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Ф.Боймуродов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — ЎзМТДП сайловолди Платформасида юксак маънавиятга ва ахлоққа, эркин, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялаш, фундаментал фан соҳасида миллий илм мактабини халқро даражага олиб чиқа оладиган мамлакатимиздаги янги ишланмаларни ривожлантириш, истеъдодли ижодкорларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда партиямиз томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган қатор маданий-маърифий тадбирлар, айниқса, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти"нинг лойиҳалари ёшларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш баробарида, уларнинг билими, иқтидорини ҳамда салоҳиятини намоён этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда иштирокчилар Конституция бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбирда фаол иштирок этган "Ёшлар қаноти" ҳамда қўйи бугунлар аъзоларига партия туман Кенгашининг эсдалик савгалари ва фахрий ёрликлари топширилди.

АНДИЖОН

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан "Конституция — миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" фаоллари ҳамда Андижон санъат коллежи ўқитувчи-мураббийлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Конституция — мустақиллигимиз рамзи, гуруҳифтихоримиз, биз қураётган эркин фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдевори саналади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишига асосан бугунги кунда Бош Қомусимиз мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртиларида пухта ўқитилмоқда. Конституцияга оид кўпқабл дарслиқлар, рисола ва махсус кўрсалмалар нашр этилмоқда. Буларнинг барчаси фуқаролар орасида ҳуқуқий маданиятнинг юксалишида, уларнинг давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этишларида муҳим роль ўйнайди.

Тадбир якунида партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ устоз-мураббийларга партия вилоят Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик савгалари топширилди.

Ш.ҒАҒФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

Юксак маънавият билан

юксак тараққиёт сари

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида маънавий, миллий қадрият, урф-одат ва аънаваларимиз шаклланиш тарбия ўчоғи бўлмиш оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақкамлаш, унинг юксак маънавият, масъулиятли қомил инсон тарбиялашдаги ролин кучайтиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

"Обод турмуш йили" муносабати билан Навоий шаҳридаги "Мурувват" МФЙда "Юксак маънавият орқали юксак тараққиёт сари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" етакчилари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди. Тадбирни халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фарҳод Эрназаров кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустақкамлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишларда ЎзМТДП ҳам муносиб иштирок этмоқда. Оила аталмиш муқаддас даргоҳда келажикимиз эгалари тарбия топади. Ёшларни жамият тараққиёти ва юрт фаровонлигига нафи тегадиган қомил инсонлар қилиб тарбиялашда оила асосий пойдевор саналади. Бунда, албатта, маҳаллаларнинг роли катта, - деди нотик.

— Партия дастурий мақсадларида оила институтининг мустақкамлиги, унинг эзгу қадриятлари, узвийлигини таъминлаш борасида белгиланган муҳим вазифалар, биринчи гада, маъна ва жисмонан етуқ, баркамол фарзандларни қомол топтиришга қаратилганлиги билан аҳамият-лидир, - деди тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Урол Са-накулов. — Мамлакатимизда оилаларни мустақкамлаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш, жамиятдаги ўрнини юксалтириш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Партиямиз томонидан оила институтини мустақкамлашга кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ёш оила вакиллари ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Давра суҳбати якунида маҳаллалар билан ҳамкорлик, оила институтини мустақкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган амалий ишларни кенг тарғиб қилишга бу каби тадбирларни кўпроқ ўтказишга келишиб олинди.

Э.ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўқув-семинар



Демократик ислохотларнинг янги босқичи

кадрлар салоҳиятини оширишни талаб этади

ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги семинарнинг навбатдаги босқичи якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Навоий вилоят Кенгашлари вакиллари билим ва малакаларини оширишга муваффақ бўдилар.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отмуратов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" — давлат бошқарувини демократлаштириш ва сиёсий партиялар фаолиятини оширишнинг янги босқичи сифатида" мавзусида маъруза қилди.

— Парламент палаталари кўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепция мамлакатимиз ривожланишининг янги истиқболларини белгилаб берди. Унда илгари сурилган ташаббус, гоё ва мақсадларни амалга оширишда партияимизнинг ҳар бир аъзоси ҳамда барча даражадаги депутатларимиз бирдек масъулдилар. Зеро, Концепцияга мувофиқ қабул қилинаётган қонунлар юртимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг ваколат ва имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фаолиятини янада жонлантириш, жамиятда мустақкам мавқега эга бўлишга интилоқда. Эътироф этишимиз керак ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир. Шу билан бирга партиянинг энг қўйи ва энг муҳим бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари ишини тубдан яхшилаш талаб этилади.

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадрият,

урф-одат ва аънавалар ҳамда тарихий меросимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади.

Ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлиги бевосита халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатларнинг фаоллик ва ташаббускорлигига боғлиқ. Улар биринчи гада маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия мақсад-муддаоларини рўйбга чиқариш ва энг муҳими, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни киритиши ҳамда ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бу жараёни самарали амалга ошириш учун жойларда депутатлар иштирокида турли ўқув-семинарлар ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ бўлади, - деди партия раҳбари.

Бир ҳафта давом этган ўқув машғулотларида иштирокчилар дунё ҳамжамиятида кечаётган сиёсий-мафқуравий жараёнлар, партия гоёси ва мафқурасини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари, сайлов қонунчилиги ва сайловолди жараёнларида ЎзМТДПнинг иштирокига доир бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар тинглашди.

Сўз — семинар

иштирокчиларига:

Абдулла МАТЧАНОВ,
ЎзМТДП Хазорасп туман
Кенгаши Ижроия Қўмитаси
раиси:

— Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй бераётган янгилиш ва ўзгаришлар сиёсий партиялардан янада фаоллик талаб этмоқда. Шу нуқтага назардан мазкур ўқув-семинар бизга аввало ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз лозимлигини ўргатади. Тадбир давомида Юртбошимизнинг парламент палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган маърузаларида сиёсий партиялар олдига қўйилган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилганини айни мuddага бўлди. Ҳар томонлама пухта ўйланган ва жамиятнинг барча жабҳасига таъсир этадиган Концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни бажаришимизда дастури-ламал бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мақсадларимизга муштарак ҳолда ташкил этилган бундай тадбирлар сиёсий етакчи сифатидаги билимларимизни мустақкамлашга хизмат қилади ва келгуси фаолиятимизда барчамизга асқотади.

Рустам САЙЛХОНОВ,
ЎзМТДП Навбахор туман
Кенгаши Ижроия Қўмитаси
раиси:

— Туман кенгашимиз партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда электрот манфаатларини ифода этишга интилоқда. Бунда халқ депутатлари Навбахор туман кенгашига партиядан сайланган депутатлар билан ўзаро ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда асосий эътиборни халқимизнинг миллий қадрият, аънава ва урф-одатларини тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, шунинг-

дек, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга қаратаёмиз.

Бир ҳафта давом этган мазкур ўқув партиянинг ҳудудий ташкилотлари ходимлари сиёсий саводхонлигини ошириш, уларда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилди. Маърузаларда таъкидланган сиёсий партиялар мақсад ва вазифаси, улар фаолиятида жаҳон таърибасидан фойдаланиш, ҳаётий факторлар, сиёсий атамалар иштирокчиларнинг партиявий мавзудаги билимлари юксалишига хизмат қилди. Айниқса, бошқа вилоятлардан келган партия фаоллари таърибасини ўрганиб, ўзаро фикр алмашганимиз келгуси фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

Намоз ЖУРАЕВ,
ЎзМТДП Сарюсий туман
Кенгаши Ижроия Қўмитаси
раиси:

— Ўқув-семинарда партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар чуқур таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан бирга йўл кўйилаётган камчиликлар ҳам айрилиб, фаолиятли султ партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш юзасидан зарур таъсирлар берилди. Бир сўз билан айтганда мазкур семинар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Левитан АБДИМУРАТОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши Ижроия
Қўмитаси девони бош
мутахассиси:

— Партия нуфузини оширишда юксак билим ва малакага эга бўлган кадрлар муҳим аҳамият касб этади. Ўқув-семинарда мутахассислар томонидан тақдим этилган маърузалардан партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, сиёсий билимларимиз даражасини ошириш, шу билан биргаликда партия гоё ва дастурларини тарғиб этишнинг янгича услуб ва шакллари ўргандик. Шу нуқтага назардан бугунги семинар ўзининг етакчи фаолиятини эндигина бошлаган партияимиз сафидаги ёш ходимлар учун катта таъриба мактаби вазифасини ўтади, - дейиш мумкин.

Камолитдин САЙДУЛОВ,
"Milliy tiklanish"
мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Амалий ишлар натижаси

қўйи бўғин аъзоларининг фаоллигига боғлиқ

— Йўл обод — юрт обод, деб бежиз айтилмаган. Чунки йўллар — юрт равнақининг кўзгуси, - дейди Янгиобод туман йўл хўжалиги таъмирлаш пудрат фойдаланиш корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи Инсоной Бердиевона. — Худуддаги автомобиль йўллари, кўприкларда жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларини амалга ошириш, йўл белгиларини жой-жойига ўз вақтида ўрнатиш ва мунтазам назорат қилиб бориш, таъқи ва ички йўлларнинг соз ва равонлигига эришиш корхонаимизнинг асосий вазифаси саналади. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, сиёсий билим, кўникма ва таърибамизни ошириб бориш, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш бугунги куннинг муҳим талабларидан саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда 2008 йилда Янгиобод туман йўл хўжалиги

таъмирлаш пудрат фойдаланиш корхонаси қошида ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти тузишга қарор қилдик.

Дарҳақиқат, қўйи бўғиннинг пудрат фойдаланиш корхонаси бўлса, уларнинг сони бугунги кунда 27 нафарга етди. БПТ аъзолари сони ошиб, партия хайрихоҳлари сафи кенгайиб боришида партия Янгиобод туман Кенгаши томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлмоқда. Партия туман Кенгаши ва БПТ ҳамкорлигида аъзоларнинг сиёсий билими ва малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Ўзининг фидойилиги ва ташаббускорлиги билан кўпчиликка намуна бўлаётган БПТ аъзолари мунтазам рабатлантириб борилади.

— Мазкур бошланғич партия ташкилоти тумандаги энг намунали қўйи бўғин саналади, - дейди ЎзМТДП Янгиобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сабохат Абдурахмонова. — ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларининг самарали бажарилишига эришиш мақсадида қўйи бўғин томонидан мунтазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатларга ичимлик суви, газ таъминоти, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, таълим самарадорлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор масалалар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг айримлари халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокама-сига киритишга тайёрланмоқда. БПТ етакчисининг ҳамкасб-

ларини эзгу мақсад йўлида бирлаштира олиш маҳорати, ташкилотчилиги боис, аъзоларимиз сони корхона ишчилари ҳисобига янада кенгаймоқда.

ЎзМТДП Дастурида эътироф этилганидек, фуқароларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фазл ва тўлақонли иштирок этиши халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим кафолатидир. Шаҳар ва қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилани ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш партияимизнинг ижтимоий соҳадаги асосий вазифаларидан саналади. ЎзМТДП Дастури ва Сайловолди Платформасида илгари сурилган ушбу муҳим вазифалар корхона фаолияти билан бевосита ҳамроҳандир. Даштобод, Баландчақир, Савот, Соҳибқор йўналишлари орқали Янгиобод туманини Жизза ва Сирдарё вилоятлари билан боғлайдиган корхонага тегишли 130 кмлик масофада қурилиш — таъмирлаш ишлари олиб борилиб, йўллар қиш мавсумига тайёр

ҳолатга келтирилмоқда. Айни пайтда 36 км масофа тўлалигича тайёр ҳолатга келтирилган бўлса, яна 14 км масофада қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Амалга оширилаётган ушбу ишларга ЎзМТДП аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилоқдалар.

— Корхонамизда 50 нафар ишчи-ҳодим фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг ярминдан кўпи ЎзМТДП аъзоларидир, - дейди БПТ етакчиси. — Умнат Қариқов, Файзи Ҳолиқов, Мурод Ҳолиқов, Ҳабибназар Абдусаматов, Баҳром Мирҳайдаров, Муҳаййи Ҳолжигитова, Нигора Мирзамуродова каби ўз ишига масъулиятли ва ташаббускор партия фаолиятли ЎзМТДП гоёлари тарғиботида ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Партияимиз дастурий мақсад ва вазифалари таъминлишида биз ҳаммиша уларнинг кучи, ғайрати ва шижоатига суянамиз. Ҳайратлиқ, сафдошларимиз билдирилган бундай юксак ишонччи ўз меҳнатлари билан оқлашди.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тарғибот



Матбуот — жамият кўзгуси

партия Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларида “Миллий тикланиш” газетасининг очик эшиклар куни ўтказилмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар ва Олмazor туман Кенгашлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази ҳамкорлигида “Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. “Миллий тикланиш” газетаси тарғиботида бағишланган тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Олмazor туман Кенгаши Ижроия Кўмиталари ходимлари, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, “Миллий тикланиш” газетаси вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

лияти билан боғлиқ бўлган мақола-лар доимий бериб борилади. Айтиш жоизки, партия фаолияти ва “Миллий тикланиш” газетаси аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда газета мухлислари билан юзма-юз мулоқотлар муштарийлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда “Миллий тикланиш” газетаси ходимлари тахририят фаолияти, унинг ҳудудий ташкилот ва депутатлар билан ижодий ҳамкорлиги, тақдим этилаётган материаллар сифати ва газета обунаси борасида маълумотлар бердилар. Мулоқотлар жараёнида таъкидланганидек, партиянинг ҳар бир аъзоси, инчунун, партия хайрихоҳлари ўз наشري ҳисобланган “Миллий тикланиш” газетаси билан мунтазам танишиб борсалар, бевосита ҳамкорлик ўрнатсалар, ЎзМТДП ва унинг фаолияти тўғрисида тўлақонли тасаввур ва маълумотга эга бўладилар ва яна газетдаги иштироклари орқали партия дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилиш имконияти пайдо бўлади.

Баҳс-мунозаралар асосида ўтган давра суҳбатда иштирокчилар “Миллий тикланиш” газетаси мазмун янада бойитиш, тиражи ошириш, янгирунлар ташкил этиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мухтасар айтганда, “Миллий тикланиш” газетасининг очик эшиклар куни айна пайтда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгашининг барча туман Кенгашларида ўтказилмоқда.

Гулноза МУСТАФОВЕВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси, Мухтарам ЖИЯНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Маҳаллий Кенгашларда

Фаоллик самарадорликни таъминлайди

Партиянинг гоя-мақсадларини кенг омма ўртасида тарғиб-таъшиқ қилиш, нуфузини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга кўмаклашиш ҳамда кўчи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш юзасидан ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгашида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда партия вилоят Кенгашида 404 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари сони ўтган йилга нисбатан 25 тага ошган.

партия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, партия Бойсун туман Кенгаши томонидан ўтган тўққиз ой давомида 60 га яқин турли мавзудаги тадбирлар ўтказилди. Туман Кенгаши жамоатчилик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлигини самарали йўлга қўйган. Туман ҳокимлиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармаси туман бўлимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар фикримиз далили бўла олади. Бу каби ҳамкорлик ишлари тадбирларни янада мазмунли ва сифатли ўтишини таъминлаш баробарида партия хайрихоҳлари сафи кенгайишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бойсун туман маданият ва спорт ишлари бўлими қoшида тузилган кўйи бугун ташкил тоналанига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, партия дастурий мақсадлари тарғиботи ва сайловолди Платформасининг ҳаётга таъбиқ этилишида муайян савийа-ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу ерда фаолият кўрсатаётган маданият ходимларининг 18 нафари мазкур бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Абдунаби Қодиров етакчилиги қўлаётган кўйи бугунда барча савийа-ҳаракатлар партия Низом ва Дастури асосида амалга ошириб келинапти. Кўйи бугун учун ажратилган хонада Президентимиз асарлари, миллий қадриятларимиз, аънава, урф-одатларимизни ифода қилаётган ҳар хил кўргазмалар воситалар ва партияга тааллуқли бир қатор ҳужжатлар тўплами мавжуд. Мазкур кўйи бугун томонидан ўтказилаётган ҳар бир тарғибот тадбирлари юқори савийада ташкиллаштирилиб, аҳоли томонидан эътироф этилмоқда. Шунингдек, туманда ташкил этилаётган байрам сайллари, тадбирларда кўйи бугун аъзолари фаол қатнашишмоқда.

Мухтасар айтганда, партия Сурхондарё вилоят ҳамда айрим туман Кенгашлари ўз ишига масъулият билан ёндашишга интиломоқда. Зеро, фаоллик бор жойда, самарадорлик бўлади. Алишер РАҲМОНОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Ташаббус ва натижа

Ҳуқуқ ва маънавият

қонуниятлари ажралмасдир. ЎзМТДП сайловолди Платформасида акс этган ушбу гоялар депутатлик гуруҳлари ташаббусларида намойён бўлмоқда

Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифати, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли ва кенг кўламли чоратадбирларни кўзда тутган ҳолда 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури” қабул қилинган эди. Миллий Дастур қабул қилинган кундан эътиборан жамиятда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратила бошланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз фаолияти давомида дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, партия сайловолди Платформасида ЎзМТДП Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашнинг, ҳар бир шахсининг Конституция ва қонунда қаролатилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбег қиришишнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб билиниш таъкидланган. Шунингдек, партия инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни шахсининг фаровонлиги ҳамда ҳавфсизлигини таъминлашга интилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ва энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди. Ушбу дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш партиянинг турли даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари диққат эътиборида.

Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида муҳокама қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”нинг тумандаги ижросини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ташаббус-масала фикримизнинг яққол далилидир. ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан сессия муҳокамасига киритилган мазкур масала туманда аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган савийа-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари олдида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”дан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали фуқароларда қонунга иттидорлик туйғусини янада кучайтиришни таъминлашга кўмаклашиш вазифаси юклатилган, - дейди ЎзМТДП Хонқа туман Кенгаши етакчи мутахассиси Қурбонгул Қурбанова. — Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббуси ушбу вазифалар ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ўрни келганда айтиш жоизки, мамлакатимизда интеллектуал салоҳияти ёшларни тарбиялашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга таъбиқ этилиши натижасида умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий техника ва ахборот

базасини янада яхшилаш ҳамда таълимни юқори сифатли ўқув адабиётлари, замонавий педагогик технологиялар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда кутубхоналарнинг, янги ташкил этилган ахборот-ресурс марказларининг ўрни беқиёсдир. Бу борада туманимизда ҳам яхши таъриба тўпланган. Фикримизни далиллар асосида давом эттирсак. Кутубхоналарни ҳуқуқий таълим-тарбияга оид адабиётлар билан бойитиш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигига эришиш мақсадида 2011-2012 ўқув йилида таълим масканлари туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан жами 16481 донга ҳуқуқ дарслиги, “Конституция алифбоси” билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, мактабларга Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 55 донга ҳуқуқий мавзудаги методик қўлланмалар тақдим этилган.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа жиноий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича махсус дастур ва иш режалари тузилган. Ўқувчи ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ўтказилаётган “Конституция — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловининг вилоят босқичида туман ёшлари совринли натижаларни кўлга киритишмоқда.

Тумандаги маҳалларда фаолият кўрсат

- 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури” қабул қилинди
● Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаси
● “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”нинг Хонқа туманида ижросини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ташаббус-масала ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан сессия муҳокамасига киритилди
● 2011-2012 ўқув йилида таълим масканлари туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан жами 16481 донга ҳуқуқий адабиёт билан таъминланди

таётган диний маърифий ишлар бўйича масала ҳақида туманидан Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамасининг “Никоҳланувчи шахсларни тиббий куриқдан ўтказиш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори талабларини бажариш юзасидан тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Мазкур метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунириш борасида олиб бориладиган ишлар фуқаро ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда. Аммо, тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бу каби ишлар талаб даражасида олиб борилаёпти, деб айтиш қийин. Бойси, бу борада аҳоли ўртасида тушунириш ишларининг сустилиги, айрим фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ҳаминқадарлиги бойс қизларни эрта турмушга бе-

риш, ёш оилаларда келишмовчиликлар ва ажралишлар, шунингдек, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда айрим муаммоларга дуч келиш ҳолатлари кузатишмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, Хонқа шаҳарчаси 2-сон маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан мазкур масала юзасидан чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган. Маҳаллада 5 кишидан иборат комиссия таркиби тузилган бўлса-да, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида”ги Низом талаблари асосида етарли ишлар олиб борилмаган. Маҳалла аҳолиси орасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунчилигини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилмаган. Рўйхатга олинган боқувчисини йўқотган, нотинч оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари билан тарбиявий тадбирлар ўтказилмаган, - дейди суҳбатдошимиз.

Ўқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббуси қўллаб-қувватланиш, сессия қарор қабул қилди. Унга кўра, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда барча қорхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига масъулиятли вазифалар юклатилди. Жумладан, қорхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ўз жамоаси ходимларининг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни тарғиб қилиш ишларини кучайтириш, шунингдек, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича иш олиб бориш, бу борада ҳар чоракда туман ҳокимлигига ахборот тақдим қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш

бўлими ва тумандаги касб-хунар коллежларига тумандаги умумий ўрта таълим ва касб-хунар таълим муассасаларининг барча йўналишларини қамраб оладиган ягона замонавий ахборот муҳитини яратиш, унда республикамизда мавжуд илмий-педагогик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, мазкур вазифаларни бажариш учун электрон ахборот ресурсларини шакллантириш муаммоларини ҳал этиш, интернетдан фойдаланиш юзасидан кутубхоначилар ва фан ўқитувчилари орасида тўпланган таърибаларни самарали омалаштириш вазифаларини топширилди. “Маҳалла” жамоат фонди, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими-ларига жойларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, амалдаги қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилди. Бу борада ЎзМТДП туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи аъзолари фаоллик кўрсатишлари лозимлиги таъкидланди.

Шоҳида ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Ҳуқуқий эксперимент

АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИ

бу жараёнда ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этишга интиломоқда

лари томонидан қилинган муружатлар сони Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 тани ташкил этади. Жумладан, Пастдарғом туманида 108 та муружат, 23 та сўров қайд этилган. Эътироф этиш лозимки, мазкур қонун лойиҳаси синови туманимиздаги 62 та субъектда ўтказилмоқда. Ҳар бир субъект ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда аҳоли томонидан келиб тушган муружатларнинг ижобий ва ўз муддатида ҳал қилинишига эътибор қаратмоқда. Эксперимент субъекти сифатида қайд этилган бошқарув идораларининг фаолиятида аҳолининг коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган савол ва муружатларнинг 24 тани ташкил этади. Муружатларнинг аксарияти ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда мутасадди ташкилотлар маъмурияти иштирокида ўрганилиб, тегишли жавоблар қайтарилмоқда.

дан ахборотдан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, муружат қилувчиларнинг вақтини тежаш мақсадида ҳафтада уч кун қабул кунини этиб белгиланган. Қабул кунларида ахборот олувчилар билан суҳбат ўтказилиб, савол ва муружатлар юзасидан тушунтириш бериб борилаёпти.

Мамлакатимиз қонунчилик тизимида илк бор қўлланилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёни қизгин паллага кирмоқда.

- Пастдарғом туманида 108 та муружат, 23 та сўров қайд этилди
● Ҳеч бир муружат назардан четда қолмапти
● Ҳуқуқий эксперимент жараёни қизгин паллада

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тизимида ҳам пенсияни тайинлашда ҳисобга олинадиган иш стажини, пенсия миқдори ва унинг ўзгаришига оид қўллаб-қувватлаш муружатлар рўйхатга олинган. Ташкилот-

Президентимиз Фармойишига асосан вилоятимизда синовдан ўтказилаётган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш тартиб-тамоиллари белгиланган.

Мазкур Қонун лойиҳаси аҳоли, оммавий ахборот воситалари ва жамоат бирлашмалари давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор қарорларидан хабардор бўлиш ва янада кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришда аҳоли, бошқарув идоралари ва кенг жамоатчилик иштирокидаги муҳокамалар ҳамда улар томонидан киритилган амалий таклифлар муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклигини таъминлашнинг қатор усуллари белгиланган. Ҳуқуқий эксперимент амалга оширилиши жараёнида аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот восита-

Ахбор Тўраев, ЎзМТДП Пастдарғом туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси

Сана

Ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизимда Конституциянинг роли ва ўрни фундаментал ҳамда биринчи даражадир. Ҳар бир давлат фақат ўзига хос бўлган Конституцияга эга. Барча давлатлар учун ягона бўлган ҳаммабон конституциявий модель йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир давлат конституциявий ривожланишининг ўз йўлига эга. Мустақил Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон давлат суверенитетини эълон қилгандан кейин собиқ иттифокдош республикалар ичидан биринчи бўлиб ўз Конституциясини ишлаб чиқди ва 1992 йил 8 декабрда қабул қилди.

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва унинг амал қилиши хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчи хусусияти: Конституция лойиҳаси 1990 йилда Ўзбекистон парламенти томонидан Президент Ислам Каримов бошчилигида ташкил этилган Конституция комиссияси томонидан 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди.

расига киритиш мумкин.

Саккизинчи хусусияти: Конституция ўз тузилишига кўра фарқ қилади. Ўзбекистоннинг амалдаги Конституцияси муқаддима, 26 боғга ажратилган 6 бўлимда бирлаштирилган 128 моддадан иборат.

Тўққизинчи хусусияти: мамлакатимиз ахли ўз ҳуқуқларини жамоа бўлиб ҳимоя қилиш механизмига, замонавий Шимолий Америка цивилизациясида мавжуд бўлмаган миллий демократик институтга эга. Бу — маҳалла. Маҳалла зарур пайтда моддий ёрдам беради ёки халқ маданий-миллий аъёнларини қувватлайди.

Учинчи хусусият: Конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти

биринчидан, қонун қабул қилишда умумдавлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларни эътиборга оладиган икки палатали парламентни шакллантириш ва амал қилиш асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш; иккинчидан, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, давлат тузилмалари фаолиятининг мониторингини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг обрўси ва аҳамиятини ошириш;

учинчидан, суд тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислохотлар, ўлим жазосини бекор қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, “хабеас корпус” институтини жорий қилиш, адвокатура ролинини ошириш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида кенг маърифий ишларни олиб бориш.

1992 йилги Конституцияга киритилган ўзгаришларнинг энг муҳимларидан бири икки палатали парламентни жорий қилиш билан боғлиқ.

ҳисоботини эшитиш ҳуқуқини бериш, Бош вазирга ишонсизлик вотуми билдириш институтини жорий қилиш ва бир қатор бошқа янгилекларни киритишга қаратилган. Ушбу конституциявий янгилеклар ҳокимият ваколатлари бўлиниши тамойилини ривожлантириш, қонун чиқаруви ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ислоҳ қилиш учун қонуний база яратишга хизмат қилади.

Қабул қилинган пайтдан, яъни 1992 йил 8 декабрдан бошлаб Конституцияга беш маротаба ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, охиригиси 2011 йил 18 апрелда киритилган. 128 моддадан 31 тасига 40 та ўзгариш киритилган, яъни 24 моддага бир маротаба, 5 моддага икки маротаба, 2 моддага уч маротаба ўзгариш киритилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси амал қилиши даврида муҳим аҳамият касб этди ва келажакда ҳам муҳимлигини сақлаб қолишни тўлиқ ишонч билан башорат қилиш мумкин.

Конституция ҳар бир давлат сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг кўзгусидир. Унда фуқаронинг ҳуқуқий мақоми, жа-



АСОСИЙ ҚОНУН

ЎЗМТДП томонидан кенг тарғиб қилинмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Тошкент давлат Иқтисодийёт Университети ўқитувчиларида “Конституция — демократик ҳуқуқий давлат куришининг қафолати” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги бағишланди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, университет профессор-ўқитувчилари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган Тошкент Давлат Иқтисодийёт Университети Устоз ва мураббийлар Кенгаши раиси Рашид Ҳақимов бош Қомусимизнинг ҳаётиямиздаги ўрни ва аҳамияти борасида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, Конституция шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, дини, тилидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминловчи дастуриламал ҳужжатдир.

— Демократик тамойилларни ўзида муҳассам этган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз тараққиётида беҳисоб сиёсий, ҳуқуқий ва тарихий аҳамиятга мўл ҳужжат саналади, - деди тадбирда маръуза қилган ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси А.Шумуродов. — У нафақат бугунги куннинг Қомуси, балки эртанги кунимиз, қураётган фуқаролик жамиятимиз истиқболини белгилаб берувчи давлатимиз рамзи ва эркинликнинг қафолатидир. Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишда миллатимизнинг кўп асрлик давлатчилик тарихи тажрибалари, халқимизнинг миллий ўзига хослиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар, шунингдек, кўплаб демократик давлатларнинг Конституциялари ва халқро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобга олинган.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Келажак авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш борасида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилмоқда. Бош Қомусимизнинг 41-моддасида ҳар ким билан олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланиши белгиланган. Бу амалда ёшлар учун яратиб берилган имконият ва шарт-шароитларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партия сайловолди Платформасида Конституцияни ўрганиш ва тарғиб қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга кўмаклашиш вазифалари белгиланган бўлиб, бу борада ЎЗМТДП томонидан қатор сай-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, партия “Ёшлар қаноти” томонидан дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда турли лойиҳа ва форумлар, тадбир ҳамда учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Конституция қабул қилинган кун муносабати билан

Малика РАҲИМОВА, Тошкент давлат иқтисодийёт университети талабаси:

— Конституцияни пухта ўрганиш, унга риоя қилиш шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир. Чунки Конституция юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини белгилаб берувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни англаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш биз ёшларнинг ҳаётий широмимизга айланмоғи лозим.

Рауф СОДИҚОВ, тадбир иштирокчиси:

— Бугун барча соҳаларда эришилаётган ютуқ ва натижалар замирида Конституция яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятлар мужассам. Конституция асосида давлат томонидан 12 йиллик бепул таълим олишнинг қафолатланганлиги биз ёшларнинг ўзимиз истаган соҳа бўйича таҳсил олиб, юртимизга керакли кадрлар бўлиб етиштирилмоқда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ҳар бир ёш Конституция берган имконият ва қафолатлардан оқилона фойдалана олиши, ўз қобилиятини Ватан ва жамият равнақи йўлида сафарбар этиши олдимизда турган барча босқичда янги зафарлар ва ютуқларни кўлга киритиш имконини беради.

ЎЗМТДП томонидан ташкил этилган бугунги тадбирда бош Қомусимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мазмун-моҳияти борасида кўплаб маълумот ва билимларни олдик. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий-ҳуқуқий билимларимизнинг янада ортишида муҳим аҳамият касб этди.

Мухтарома КОМИЛОВА, Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Milliy tiklanish” мухбирлари

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ривожланиш тенденциялари

Иккинчи хусусияти: Конституция лойиҳасини тайёрлашда уч манбага таянилди:

биринчи манба: кўп асрлик бой миллий ҳуқуқий мерос;

иккинчи манба: инсон ҳуқуқлари бўйича халқро стандартлар;

учинчи манба: хорижий конституциявий тажриба.

учинчи хусусияти: Конституция лойиҳаси 1992 йил сентябрь ойидан декабрь ойигача кенг умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш давомида 5 мингдан ортиқ тақлифлар тушди.

Тўртинчи хусусияти: Конституция лойиҳаси БМТ, ЕХТ каби нуфузли халқро ташкилотлар ва АҚШ, Германия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди.

Конституциявий комиссия хорижий конституциявий тажрибаси мувожаат қилиб, Асосий қонуннинг ролинини яхлит тушунишдан келиб чиқди. Жаҳон конституциявий тажрибаси Ўзбекистон Конституциясида куйидагилар орқали ҳисобга олинди:

биринчидан, республика бошқарув шакли — бевосита халқ бошқарувининг шакллари билан сифатида;

иккинчидан, конституциявий тартибга солишнинг классик принциплари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг барқарорлиги;

учинчидан, Конституция матнинини муқаддима ва бўлимлар, боғлар ва моддалар бўйича тақсимлаш ҳамда уларни мантқиқий joyлаштириш;

тўртинчидан, мазмунининг исқисқалиги — реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида, Конституцияда келажакда қабул қилинадиган қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад билан боғлиқ;

бешинчидан, мафқуралаштиришдан воз кечиш, яъни бир мафқура ҳукмронлигидан воз кечиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги; олтинчидан, конституциявий қафолатлар — Конституция устуворлиги, Конституциявий суд тузилиши, Асосий қонунга ўзгариш киритишнинг алоҳида тартиби.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни Ислам Каримовнинг «**Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома**» бўлганлиги; у «**халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини**» акс эттириши, унинг «**халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули**» эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

Олтинчи хусусияти: 1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг расмий “ташриф” қозоғига айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс этирмоқда. Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунини давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асосларини ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлашдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди.

Еттинчи хусусияти: агар 1992 йилги Ўзбекистон Конституциясини жаҳон конституциявий ривожланиш билан боғлаб қўриб чиқилганидан бўлса, уни XX асрнинг охириги ўн йиллигида дунёда қабул қилинган “учинчи авлод конституциялари” си-

ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома сифатида амал қилади. Ўзбекистон Конституцияси асос бўлувчи юридик ҳужжат ҳисобланади, демократик тузумга ўтиш шароитларида конституциявий макон доирасида тизимли ва изчил қайта ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, Конституция тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг юридик асосига айланди.

Конституция қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган даврда унинг амал қилиши Конституция сиёсий тизимнинг юридик параметрларини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини прогрессив белгилаганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланишида уч босқични кўрсатиш мумкин. Ҳар бир босқич мамлакат тарихида ўзига хос ўринга эга.

Биринчи босқич — 1991-2000 йиллар: бирламчи конституциявий ислохотлар ва миллий ҳуқуқий давлатчилик ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосларини шакллантириш босқичи. Бу босқичда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг конституциявий асослари белгилаб олинди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати шаклланди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий ҳужжатига қўшилди.

Конституциявий ривожланишнинг биринчи босқичи хусусиятлари куйидагилардан иборат:

биринчидан, барқарор конституциявий тартиб ўрнатилди. Барча давлат органлари Конституция доирасида шаклланган ва амал қилмоқда. Парламент ва Президент сайловлари ҳамда маҳаллий сайловлар буни яққол кўрсатди. Демократик эркин сайловлар орқали мамлакатнинг сайлов корпуси томонидан давлат ҳокимияти бу даражада легитимация қилиниши Ўзбекистон тарихида ҳали бўлмаган;

иккинчидан, иқтисодий соҳада мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкнинг тенглиги, тадбиркорлик эркинлиги ўрнатилди. Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ва қафолатлар яратиб берди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давлатнинггина эмас, балки жамиятнинг ҳам вазифасига айланди. Чунки кучли ва оқим фуқаролик жамияти иқтисодий фаолият эркинлигисиз мавжуд бўла олмайди;

учинчидан, сиёсий соҳада ҳам Конституция ҳуқуқий давлатчиликнинг энг зарур мезонларига мувофиқ тарзда эркинлик ва демократияни етарли даражада таъминлаб берди. Мамлакатда сиёсий ва мафқуравий ҳурфикрлик, сўз ва ахборот эркинлиги ўрнатилди. Фуқаро жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган барча сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди.

тўртинчидан, давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси — ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи асосида давлат органлари тизими шакллантирилди.

2001-2010 йилларни қамраб олган иккинчи босқич ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу фаол конституциявий ҳуқуқ ижодкорлиги даври бўлди. Бу босқичнинг хусусиятлари куйидагилардан иборат:

Парламент ислоҳоти 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижаларига асосланди. Референдум қарорларига биноан “Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги учта конституциявий қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар Конституцияга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш учун юридик база бўлди. Ушбу ўзгаришлар 30 моддага, олтита боғга (XVIII-XXIII) ва икки бўлимга (Бешинчи ва Олтинчи) тегишли эди.

2007 йил апрель ойида давлат бошқарувини янада демократлаштириш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият, ҳуқумат ва маҳаллий органларнинг роли ва уларга ўзгаришга юклатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президент ваколатларини аниқ белгилаб олиш ҳамда мамлакатни янгилаш ва либераллаштиришда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида 89-модда, 93-модданинг 15-банди, 102-модданинг иккинчи қисмига ўзгаришлар киритилди.

Кейинги ўзгариш 77-моддага киритилган бўлиб, у сайловларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Ушбу ўзгариш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинди ва 2008 йил 4 апрелда Сенат томонидан маъқулланди. Ушбу ўзгаришга биноан 77-модда куйидаги таҳрирда берилди: “Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ тарзда сайланадиган 150 депутатдан иборат”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ва унинг асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалар) ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун мамлакатнинг конституциявий ривожланиши, давлатни модернизация қилиш стратегик курсини амалга оширишда учинчи босқични очиб берди.

КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛГАН ОХИРИГИ ҲУҚУҚИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

биринчидан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш; иккинчидан, давлат бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимияти субъектлари — Президент — давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партиялар ролинини кучайтириш мақсадига қаратилган. Ушбу ўзгаришлар Конституциянинг 78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига оиддир.

Бу конституциявий ўзгаришлар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринининг кўп қисмига эга бўлган сиёсий партияларга Бош вазирнинг номзоди бўйича тақлифлар бериш ҳамда парламентга Ҳуқумат раҳбарининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид долзарб муаммолар бўйича

мият ва давлат тузумининг асосий энг таркибий қисмлари ифодаланади. Реал ҳаётдаги йирик ўзгаришлар “конституциявий кўзгуда” намоён бўлади. Гап иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги барча ўзгаришлар ҳақида эмас, фақат мамлакатдаги йирик ўзгаришлар ва сиёсий вазият ҳақида кетмоқда. Қонунчиликка тўғрилашлар киритишга олиб келадиган ўзгаришларнинг йиғилиб бориши унинг сифати ўзгаришига ҳам олиб келади. Уларни фақат Конституция қонунийлаштириши мумкин.

Бевосита Конституция орқали давлатнинг яхлит организм сифатидаги ҳуқуқий образини тасаввур этиш мумкин. Ўзбекистонда давлатнинг барча ёки асосий белгилари ҳамда жамиятдаги ўзгаришлар конституциявий талқинини топади.

Қўрида айтиб ўтилганларни яқунлаб куйидагича хулосаларга келиш мумкин.

Биринчи хулоса: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларини амалга ошириш асосида Ўзбекистонда конституциявий давлат қурилган. Бошқача айтганда, барча давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва фуқароларнинг фаолияти Конституция қонунлари мувофиқдир.

Иккинчи хулоса: Конституция Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг маркази, пойдевори ҳамда қонунчиликни янада ривожлантиришнинг асосидир. Конституция нормалари амалга ошириб бориладиган ҳолда ҳозиргача 8 конституциявий қонун, 15 кодекс, 600 дан зиёд қонунлар қабул қилинди ва 200 дан зиёд халқро шартномалар ратификация қилинди.

Учинчи хулоса: Конституция тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг юридик асосига айланди. У жамиятнинг эҳтиёжлари, ҳуқуқий онг ва маданият ривожланишини ҳисобга олган ҳолда эволюцион ривожланмоқда.

Тўртинчи хулоса: фуқароларнинг конституциявий-ҳуқуқий маданияти изчил шакллантирилмоқда. Ўзбекистонда Конституцияни улуксиз ўрганиш тизими ташкил этилган. Конституцияни ўрганиш бўйича ахборот-маърифий фаолият фуқароларнинг Конституция нормаларига ва конституцион ватанпарварликка ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга йўналтирилган.

Бешинчи хулоса: Ўзбекистон Конституцияси эволюцияси умуман олганда конституциявий ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига мувофиқдир. Сўз конституциявий тартибга солиш предметини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор бериш, фуқаролик жамиятининг конституциявий асосларини кенгайтириш, халқро ҳуқуқ нормалари устуворлиги ҳақида бормоқда.

Шарқ мутафаккири, “иккинчи устоз (биринчи устоз Аристотель) Абу Носир Форобий бундай деган эдилар: “Билим яхши хулқ-атвор билан мустаҳкамланиши керак”. Бизнинг Конституция тўғрисидаги билимларимиз ҳуқуқий хулқ-атворимиз, конституциявий ватанпарварлигимиз билан тасдиқланиши зарур. Айнан мана шундай конституциявий хулқ-атвор билан Конституциянинг устуворлигини таъминлай оламиз!

Акmal САЙДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Мерос



Хунармандлар эъзоз топган юрт

Ёғоч ўймакорлиги қадим замонлардан бундан авлоддан авлодга ўтиб келаётган хунармандчилик турларидан биридир. Бу санъат турли нақшларга бойлиги ва услубий хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Қадимдан турар жой бинолари ва турли иншоотларнинг устунлари, шифти, дераза ва эшиклари ёғоч ўймакорлиги асосида безатилаган.

— Мустақиллик йилларида юртимизда хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги турига жиддий эътибор қаратилиб, унинг ривожланишига, мавжуд анъаналар замонавийлик билан уйғунлаштирилиб, янги-янги шакллар вужудга келишига кенг имконият яратилди, дейди сўхбатдошимиз Ўзбекистон Республикасининг Халқ устаси хунарманд Зиннатулло Алимбоев. — Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага оид кўплаб Қарор ва Фармойишлар қабул қилинди. Бу, албатта, биз хунармандларга кўрсатилётган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир. Президентимизнинг 2010 йил март ойида қабул қилинган “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонига кўра, уй шароитида халқ хунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқараётган “Хунарманд” уюшмаси аъзолари учун катта имконият ва имтиёзлар берилди. Таъкидлаш жоиз, юртимизда ёғоч ўймакорлиги билан безатилмаган хонадон, мухташам иншоотлар кам топилди. Теурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат тарихи музейи, Санъат музейини безаб турган нақшлар бунга яққол мисол бўла олади.

Уста билан иш устида суҳбатлашар эканмиз, шу касбни эгаллашга нима туртки бўлганига қизиқдик. — Авлодимизда хунармандлар бўлмаган, - дейди уста. — Оилада олтига фарзанд бўлсак, фақат мен шу касбни танладим. Мактабда ўқиб юрган кезларим меҳнат дарсида ўқитувчимиз ёғочдан ясалган қаламдон, қутиларни кўрсатганида бу хунарга меҳрим уйғонган. Дарсдан сўнг усталарга шоғирд тушиб ёғоч ўймакорлигини ўргандим. Насиб этса, Тошкент мактабининг етук намоёндаларидан бири бўламан, дея олдимга мақсад қўйдим. Мана ўттиз уч йилдирки шу касбнинг сирасорларини ўрганишда давом этмоқдаман. Мактабни битиргач, дадам «хунарингни ташлама, аммо ўқининг ҳам керак», дедилар. Хужжатларимни Техника университетининг курилиш факультетига топширдим. Аммо соҳам бўйича ишламадим. Сабаби, хунарни мени сеҳрлаб қўйганди. Келажгимни, эртанми фақат шу соҳада

кўрдим. Бугунги кунга келиб бундан сира афсусланганим йўқ. Инсон ўзи севган, орзу қилган касбдагина ишлай олиши мумкин. Меҳжубан қилинган ишда инсоннинг меҳнати ҳеч қачон кўринмайди. Шу боис, отам мен танлаган йўлга ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатмаган. 2003 йили мен ва дурадгор уста Адҳам Ашуровга Германиядаги Ўзбекистон элчихонасига миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз акс этиб турувчи айвон ясашга буюртма берилганди. Ушанда камтарона меҳнатимиз юқори баҳоланганидан жуда қувонгандим. Уста ўз асарлари билан Россия, Германия, Франция каби мамлакатларда ўтказилган нафузли кўرғазма ва фестивалларда иштирок этган. У ясаган ноёб буюмлар хорижлик санъат илхосмандларининг шахсий коллекцияларидан жой олган. Зиннатулло аканинг устахонасидаги ижод намуналарини кезар эканмиз, ён тарафини керамикка билан безаб берилган лавҳ эътиборимни тортиди. Уста шу буюм диққатини тортганини сезиб унинг тарихи ҳақида сўзлаб бердилар. — Ўймакорлик буюмларининг энг ноёб намуналаридан бири лавҳ — китоб қўйиладиган таг-

жияним бугун ёнимга кириб, хунаримни давом эттираётганидан қувонаман. Хали ёш бўлса-да, фойдаланишга, ишига талабчан, кўплаб кўрик-танлов, кўрғазма ва фестиваллар совриндори Анвар Алимбоевни суҳбатга тортидик. — Мактабга ҳам бормаган вақтларим эди. Амакимнинг ёғочдан ясаган хонтахта, курси, ширма каби кўплаб буюмларига кўзим тушиб қолди. Ундаги бир-бирининг ажойиб нақшлар мени ром этганди. Олдинги ёғочдан шундай чиройли буюм яшаш мумкин экан-да, дея ўйлашиб қолдим. Шу қизиқиб мени ёғоч ўймакорлиги хунари, Германия, Франция каби мамлакатларда ўтказилган нафузли кўрғазма ва фестивалларда иштирок қилдим. Аммо амаким олдимга бир шарт қўйдилар: хунарни ташлаб кетмасанг ўргатаман, дедилар. Бугунга келиб хунарим ҳаётимнинг мазмунига айланди. Ёшларим болалик чоғидан тўғри йўлга бошлаш, ўзи қизиққан соҳага йўналтириш лозим. Шу чоққача эришган ютуқларимда устозимнинг ҳиссаси катта. Мана шу хунардан илҳомланган маротаба хорижга ҳам сафар қилдим. Жорий йилнинг ёз ойларидан АҚШнинг Сантафе

- **Уста ўз асарлари билан Россия, Германия, Франция каби мамлакатларда ўтказилган кўрғазмаларда иштирок этди**
- **Хорижда ўзбек амалий безаб санъатига катта қизиқиш билан қарашади**
- **Миллий хунармандчиликка эътибор — миллатимизга, анъаналаримиз ва ўзлимизга эътибордир**

ликлар яна оммалашди. Унга ўйиб туширилган ҳар бир нақшнинг алоҳида мазмун-моҳияти бор. Эндиликда улардан кенг фойдаланишмоқда. Лавҳнинг ясалиши жуда мураккаб бўлса-да, кўриниши билан барчанинг эътиборини тартади. Кўриб турганингиз ушбу лавҳ икки, уч йиллардан бундан илҳомланган сопол устаси Рустам Усмонов ҳамкорлигида ясалди. Ёғоч ўймакорлиги тарихида илк бор лавҳларнинг четларини керамикка билан уйғунлаштириб янги ижод намунасини тайёрладик. Рамкаларнинг четларини ясашда керамикадан ишлов беряпмиз. Бу нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик меҳмонлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Жорий йил менга жуда омадли келди. Фурсатдан фойдаланиб, камтарона меҳнатимни қадрлаб, Ўзбекистон Республикаси “Халқ устаси” нуфузли унвонига лойиқ кўрилганимни учун Президентимизга миннатдорчилик билдираман. Ушбу рағбат ўз устимда янада кўпроқ ишлашга куч-қувват бағишлади.

Уста билан суҳбатлаша туриб, унинг фарзандлари ҳақида сўрадик. — Тўрт нафар фарзандимдан учтаси қиз. Қизларим ҳам, ўғлимни ҳам билим олиш, тил ўрганишга қизиқишлари баланд. Ўғлим болалигида ёғочга ишлов бераётганимда оз-моз қизиқди-ю лекин, бошқа касбни танлади. Аммо

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Маънавийят

Ўзлик

Маънавий мерос ва маданий бойликлар

«оммавий маданият»га қарши курашнинг энг муҳим воситаси

Ўзбек халқи қадим маданията эга. Бунинг ёрқин исботи шундаки, аجدодларимиз азал-азалдан дунё тамаддунига катта ҳисса қўшиб келишган. Улар айниқса, илм-фан, адабиёт ва санъат борасида улкан натижаларга эришган. Бинобарин, халқимиз ўз ички маданияти — маънавий олами билан ҳам доимо бошқалардан ажралиб турган.

Айниқса, мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмоқда, аждодлардан мерос — моддий ва маънавий бойликларни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга қолдириш учун тер тўкмоқда. Бироқ бугунги кунда дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар бизни мудом огоҳ бўлишга чорлайди. Чунки жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёни, “оммавий маданият” никоби остида кириб келаётган таҳдидлар кун сайин ортиб бормоқда. Фарзандларимизни, айниқса, ёш авлодни бундай хатарлардан сақлаб қолишнинг турли йўллари изланмоқда. Хусусан, ёш авлод онгига мустақиллик мафқурасини, миллий истиқлол ғоясини синдиришни турли усул ва воситаларидан фойдаланилмоқда. Бундай таҳдидларнинг олдини олиш, яъни ёш авлодни хавф-хатарлардан эсон-омон олиб ўтиш учун маънавий тарбияга эътибор кучайтиш табиийдир. Шу боис маънавият ва маърифат масалалари бугунги кунда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият - энгилмас куч” асари жамиятдаги маънавий-маърифий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, зарур хулосалар чиқариш ва унга қарши курашишда асосий воситалардан биридир. Асарда ёзилганидек: “Агарки менадан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзга-

раётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур деб жавоб берган бўлардим. Ишончим комилки, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч қимга, ҳеч қачон қарам бўлмайдими, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади”. Ва ушбу асарда эътироф этилганидек, маънавият, ана тили, адабиёт, давлат тили ва миллий ёзув бўйича билдирилган фикрларни ўрганиш асосида миллий тарбиямиз учун тегишли хулосалар чиқариш ҳамда таълим жараёнида улардан оқилона фойдалана олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Инсонни безайдиган, уни ёруғ оламда мушарраф этадиган асосий неъматлардан бири - маънавий бойликдир. Айни пайтда бу маданий бойлик ҳам ҳисобланади. Ўзини англаган ҳар бир инсон ўз ҳаётида мана шу икки нарсани эъзозламоғи, авайлаши ва ўзидан кейинги авлодларга етказишга интиломи лозим. Агарда ушбу жараёнда узлуксизлик таъминланмаса, ворисийлик давом этмаса маънавий илдишларимизга зарар етади. Маънавий мерос ва маданий бойлик, дарҳақиқат, кенг камровли тушунчалардир. Бинобарин, “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида маънавий ва моддий бойликлар, уларнинг маъно-мазмуни тўғрисида батафсил тушунчалар берилди, жамият тарраққиётига ғов бўладиган одатларимиз ҳақида ҳам, келажак учун хизмат қиладиган омиллар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар

билдирилади: “Масалан, эзгу одатимизга айлиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдишлари борлигини кўриш мумкин. Бу, аввало, инсоннинг инсон билан, қўшининг қўшни билан, қариндошининг қариндоши, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан бегараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингир кетганини ҳеч қан инкор эта олмайдими”. Юртбошимиз маънавиятнинг тарихий илдишлари ҳақида гапирар экан, ана тили ва миллий адабиётнинг бекиёс ўрнини, ижтимоий ривожланишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Биргина Алишер Навоий ижодий мероси тимсолида халқимизнинг нақадар улуглиги, теран илдишларга эга эканлиги маъно бўлади. “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёнаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарофатини дунёга таранум қилган ўлмас сўз санъаткоридир... Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўлаемиз”.

Равшан ЖОМОНОВ,
Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти кафедра мудири, филология фанлари номзоди

Кўрғазма

«Нақшинкор олам»

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида таниқли рассом Алишер Мирзаевнинг ана шу номдаги шахсий кўрғазмаси очилди

Рассом деярли барча жанрларда ишлайди. Экспозицияга қўйилган асарларда юртимиз табиати манзаралари, турли мавзудаги натюрморлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, маданиятининг айрим қирралари, ҳаёт фалсафаси, тарихий шахарларимиздаги меъморий ёдгорликлар, асарлардан асарларга ўтиб келаётган қадриятларимиз акс этган. Улар орасида “Бухоро растачилари”, “Эртанкима Бухоро”, “Самарқанд”, “Сўқоқлик қиз”, “Келинчақ”, “Шарқ келини”, “Ўзбекхона натюрморт”, “Эски шахар чойхонаси”, “Анорлар” каби асарларда рассом оламининг

ўзига хос бадий хижатларини кўраемиз. Тасвирий санъат галереясида Алишер Мирзаев асарларини қизиқиб билан томоғига қилаётган бир гуруҳ ёшларни суҳбатга чорлади. Улар ўзларини Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 3-курс талабалари деб таништиришди. — Бир давра суҳбатидан, - дейди Фирдавс Дўстматов. — Домланинг ҳаёт, санъат ва ижод йўли ҳақидаги сўзларини эшитганим. У кишининг гаплари нақадар тўғрилигини бугун

кўрғазмага қўйилган асарлар орқали билиб олдим. Устозларимиз соғ-омон бўлишсин. Чунки бундай кўрғазмалар биз ёшларнинг билим ва тафаккурини янада бойитади. Бизни юксак маънавиятга, янги ва янги марраларга чорлайди. Ўзбекистон ва Россия Бадий академиялари академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Алишер Мирзаев айна пайтда Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида бўлгуси рассомлар-

га сабоқ бериб келмоқда. Шу кунгача рассом Германия, Россия, Франция, Болгария, Хиндистон, Сурия, Жанубий Корея, АҚШ, Литва, Норвегия ва хонажон ватанимизда шахсий кўрғазмаларини ўтказган. Навбатдаги кўрғазма очилишида ижодкорга тантанали равишда Ўзбекистон тасвирий санъатига қўшган ҳиссаси учун Бадий академиянинг олтин медали топширилди. Кўрғазма шу йилнинг 28 декабригача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Робота

Пойтахтимизда ўтказилган “Авлодлар учрашуви: ибратли ҳаёт — эҳтиром ва қадр!” номидаги тадбир Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилди. У Бош Қўмушимиз - Конституция кўнига бағишланди.

Авлодлар учрашуви

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, депутатлар, ҳамкор ташкилот вакиллари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, 47-Менделеев олимпиадаси қолибалари, фахрий аёллар, Тошкент шаҳридаги иқтидорли ёш қизлардан иборат жамоалар иштирок этди. Кечада “Менинг азиз китобим” композицияси воситасида Конституциямиз мазмуни, унинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни, ўтмишдаги аёллар ҳуқуқи билан боғлиқ муаммолар ва бугунги ютуқларимиз мазмун-моҳияти очиб берилди. Таъкидланганидек, Конституциямиз муқаддасида инсонни ардоқлаш, унинг ҳуқуқларини олиқ қадрият деб билиш ва шунинг баробарида миллий қадриятларга хос тарзда яшаш, уларни ёш авлодга безавол етказиш ғояси акс этган. Тадбирдан қўзланган мақсадларнинг яна бири ёшларга ибрат ва намуна бўладиган нурунийларнинг бой ҳаётий тажрибаси билан танишиш, эзгуликка йўғрилган ўғитларини келажак авлодга етказишдан иборат. **Дурдона ТУГАЛОВА,** тадбир иштирокчиси, Республика “Ораста қизлар” танлови қолибаси: — Ёши улуг инсонлар ҳаётимиз кўркидир. Уларнинг бой тажрибаси, эзгуликка йўғрилган ўғитлари биз ёшлар учун маёқ вазифасини ўтайди. Узининг кўп йиллик меҳнати билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, айна кексалик гаштини сураётган нурунийларимизга кўрсатилган ҳурмат-эътибор бугун шу кеча мисолида яна бир бор намоён бўлди. Тадбир сўнида халқимиз ҳаёти фаровонлиги йўлида меҳнат қилган фахрий ва нурунийларимизга Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаларининг қуй-қўшиқлари, шеърлари ва ўз қўллари билан чизган суратлари тақдим этилди. Шунингдек, фахрий аёллардан Хосият Ёқубжонова, Муборак Юнусжўзева, Мукаррама Мухитдинова, Мухаббат Раҳимовага давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фахрий ёрлик ва совғалар топширилди. **Мухайиб НУРМЕТОВА,** “Milliy tiklanish” мухбири

Мавсум

Ҳамкорлик ва хушёрлик

ёғнингнинг олдини олишда қутилган самараларни бермоқда

Ота-боболаримиз дуога қўл очилганда ўт балосидан асрасин, деб қўйишади. Бунинг замирида катта маъно бор. Бирок, буни ҳамма ҳам бирдек тушуниб етмайди. Йўқса, айрим юртдошларимиз бу балога нисбатан берафқ бўлишмасди. Ёғнингнинг олдини олиш борасида оммавий аҳборот воситалари орқали мунтазам равишда огохлантурувчи эълонлар бериб берилса-да, айрим кимсаларнинг эътиборсизлиги тўғрисида ёғнинг ҳолатлари юзага келмоқда. Ёғнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўт-чирувчиларимиз уймау-уй юриб, аҳоли ўртасида доимий тушунтириш ишларини олиб боришади. Вақти-вақти билан курилиш майдонлари, корхона ва ташкилотларга бориб мавзуга доир тадбирлар уюштириб турибмиз. Айниқса, қурилиш ишлари кетаётган объектлар бирламчи ёғнингга қарши воситалар билан таъминланганлиги, ёғнинг хавфсизлиги бурчларининг бор-йўқлиги ана шу тадбирлар чоғида маълум бўлади. Хотиржамлик бор жойда ишининг унуми бўлади. Буни корхона ва ташкилот раҳбарлари жуда яхши билишади. Аммо, уларнинг ёғнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорлиги нафақат ойлик, балки муттасил давом этса, фойдадан холи бўлмасди. Ёғнингнинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, ойлик даврида ўз уйимиз, иш жойимиз, маҳалла ва кўчамизни ёғнинг чиқишидан асрасак, машаққатли меҳнат эва-

зига келган миллий ва маънавий бойликларимиз, иншоот ва биноларимиз яна узок вақт ўзимизга хизмат қилади. Қўйида келтирилган масолаҳатларга амал қилсак, ёғнинг чиқишининг олдини олган бўлаемиз. Бунинг учун, энг аввало, юқори қувватда ишлайдиган бир неча асбоб-ускуналардан бир вақтнинг ўзида фойдаланмаган маъқул. Электр тармоғига уланган дамоол, плита ва бошқа асбобларни ёғнинг билан қоплатиб, ўзидан иссиқлик ўтказмайдиган таглик устига қўйиб талаб этилади. Электр асбобларини фақат катталар тармоққа улаши керак. Хонадонингиздаги электр улагичлар изоляцияси соғлиққа эътибор беринг. Агар электр улагич симлар эскирган, розетка ва патронлар носоз бўлса, тезда уста чақириб, камчиликни вақтида бартараф этиш лозим. Газда ишлайдиган усуналар, ошхона плитасидан фойдаланишда эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Шуни унутмангки, суўлтирилган газ билан тўлдирилган баллонлар газ плитасидан каммида 0,5 метр ва иситиш қурилмаларидан 1 метр нарида бўлиши керак. Уларни ўт ёқиб пецлари яқинига қўйиш қатъий ман этилади. Ёқилган теле, видео ва аудио аппаратураларни зинҳор-базинҳор қаровсиз ёки ёш бола ихтиёрида қолдира кўрман!

Ф.ГИЯСОВ,
М.ЮСБАЛИЕВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ инспекторлари,
кичик сержантлар

Бизнинг шарҳ

ФИНЛЯНДИЯ ПАРЛАМЕНТИ

мамлакатда Европанинг бошқа давлатларида бўлгани каби парламенти ҳам хотин-қизларнинг фаоллиги кузатилмоқда



Финляндия бугунги кунда ўзига хос таълим тизими, инновация жадал ривожланаётган мамлакатлардан саналади. Ҳозирги кунда мамлакатдан етишиб чиқаётган турли соҳа мутахассислари нафақат Европа қитъасида, балки Осиё ва Америкада ҳам муваффақият билан фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, "Nokia" компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган уяли алоқа телефонлари деярли ҳар бир хонадонга кириб борган, десак муболаға бўлмас. Мутахассисларнинг фикрича, Финляндияда, айниқса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган туб ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.

дан ташқари сайловчилар сонини ҳисоблаб борувчи партия кўнгилларини ҳам кўриш мумкин. Улар ўз тарафдорларини овоз беришга ундаса-да, бироқ уларга овоз бериш жараёни ўтаётган бинога киришга рухсат берилмайди. Сайловга оид яна бир маълумот: ҳар бир фуқаронинг сайлов участкасига келиши шарт эмас. Улар почта ёки ишонч қоғози орқали ҳам ўзи танлаган номзодга овоз бериши мумкин.

Қонун чиқарувчи идораларда ўзига хос қоида ва қонунлар мавжуд бўлиб, ҳар бир палата маълум имтиёзга эга. Ҳар иккала палатада ҳам баҳс-мунозара чоғида сўз эркинлиги таъминланган. Парламентнинг йиллик сессиялари, одатда, февралда бошланиб, икки йардам бўлинади. Биринчи қисми январдан июнгача, иккинчи қисми эса сентябрдан декабрга қадар давом этади.

Парламент аъзолари ўтказиладиган

ҳар йиллик сессиянинг биринчи кунинда Эдскунтада парламент аъзолари спикер ва икки нафар депутат спикерларни танлайди. Айтиш жоизки, давлат аҳамиятига молик бўлган бундай йирик сиёсий тадбир — парламент сессиясида спикерлар парламент аъзолари олдида Финляндия ҳукумати қонунчилиги, конституциясига сўзсиз иттифоқ қилиши, мамлакат фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ваъда беришлари лозим. Шундан сўнггина сессия улар томонидан бошқариб борилади.

Парламент 16 кўмитадан иборат бўлиб, доимий аъзолари 17 та, бироқ Гранд ва Молия кўмитаси ҳамда Аудит кўмиталарининг ҳар бири 25, 21 ва 11 нафар доимий аъзоларига эга. Улардан 15 таси махсус кўмита ҳисобланади.

Асила ИБРАГИМОВА

- **Асосан гўзал табиати билан ном қозongan Финляндия республикаси Европа жанубида жойлашган бўлиб, мамлакат ўз мустақиллигига 1917 йилнинг 6 декабрида эришган. Жанубда Норвегия ва Россия билан, шимолий-жанубда Швеция билан чегарадош. Шарқда эса Финляндиани Балтиқ денгизи сувлари ювиб туради.**
- **Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатда қарийб 5 миллион 500 миң нафар аҳоли истиқомат қилади. Республиканинг кўпчилик қисмини туб-жой аҳолиси ташкил қилади.**
- **Финляндияда сўнги парламент сайловлари 2011 йилнинг 11 апрелида бўлиб ўтган.**

Финляндия парламенти Эдскунта деб номланади. Мамлакатда икки палатали парламент фаолият олиб боради. Парламентнинг 200 та аъзоси мавжуд бўлиб, улар томонидан пойтахт Хельсинки шаҳрида жойлашган парламент уйида бир-биридан муҳим масалалар муҳокама этилади.

Хельсинкидаги Катхедрал парламент уйи дунёдаги энг катта бинолардан бири бўлиб, бу ерда ҳар икки палата томонидан қўшма йиғилишлар, сўездлар ўтказилади, шунингдек, турли девонхоналар, бўлимлар ва жамоатчилик қабулхоналари мавжуд.

Эдскунтанинг 200 та вакили яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Амалдаги қонунларга кўра, сайлов кунига қадар 18 ёшга тўлмаган фуқаролар сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, аксинча, 18 ёшга тўлган, сайлов вақтида шу жойда беш йил яшаган, финляндча ўқиш ва ёзишни билган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Жазо-

ни ўташ муассасаларида сақланаётган маҳбуслар, руҳий носоглом фуқаролар сайланиш ҳамда сайлаш ҳуқуқидан маҳрумдир.

Бугунги кунда Финляндия қонунчилигида хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кенг ўрин берилмоқда. Бунга етарлича асослар бор. Хусусан, бу аввало, жамиятда тенгликни таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, Финляндияда Европанинг бошқа давлатларида бўлгани каби турли соҳаларда хотин-қизларнинг фаоллиги кузатилмоқда. Сўнги ун йил давомида сиёсий тадбирларда аёлларнинг иштироки сезиларли тарзда ўсган, турли йирик компания ва ташкилотлар улар томонидан бошқарилмоқда. Шунингдек, маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг 49 фоизини эркаклар ташкил этса, 51 фоизи хотин-қизлардан иборат. Аҳолининг ўртача умри аёлларда 83, эркакларда эса 77 ёшни ташкил этмоқда.

Сайлов участкаларида кузатувчилар-

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Транспорт компанияси банкрот ёқасида

Франциядаги "Mory Dukros" компанияси банкротга учраган. Франц-пресс ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, мамлакатдаги йирик транспорт компаниялардан бири "Mory Dukros" банкротликка учраганини тасдиқлашни сўраб, судга мурожаат қилган. Кузатувчиларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда компания жуда оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган. Хусусан, сўнги ҳисобот йилида транспорт компанияси қарийб 80 миллион евро миқдорда молиявий зарар кўрган.



Сардиния оролида "Клеопатра" бўрони

Тарқатилган маълумотларга кўра, Италиянинг Сардиния оролида рўй берган сув тошқинлари жиддий талофатларга сабаб бўлган.

Тошқинлар оқибатида қарийб 20 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 30 нафардан ортиқ киши бедарак йўқолган. Табиий офатдан азизат кечканлар орасида ёш болалар ва аёллар кўпчиликини ташкил қилган. Худуддаги қарийб 3 миңга уйга жиддий зарар етган. "Клеопатра" бўрони оқибатида Сардинияда фавкултда ҳолат эълон қилинган.



Бета-нурлари ортиб бормоқда

Маълумотларга қараганда, Япониядаги "Фукусима-1" атом электр станциясининг дренаж каналларидаги бета-нурланиш энг юқори даражага етган.

Яъни, станциядаги дренаж каналларидан олинган намуналарда жорий йилнинг август ойида 300 тонна радиактив сув оқиб кетганидан кейинги энг юқори бета нурланиш 1 литрга 2300 беккерел қайд этилди. Бошқа дренаж каналдан олинган намуналарда эса бета нурланиш 12,4 баробар ошиб, 2,3 миңдан 28 миң беккерелгача етди.



"Samsung Electronics" дунё бозорида харидоргир

Жорий йилнинг учинчи чорагида Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" корпорацияси ўз фаолияти давомида энг яхши натижага эришганини қайд этган.

Бу чорақда корпорация 9,4 млрд. АКШ доллари атрофида даромад кўрган. Корпорация фаолиятидаги ўсиш жаҳон миқёсида компьютерлар учун мўлжалланган хотира чипларининг нархи ошгани билан боғлиқ, Шу билан бирга бу ерда ишлаб чиқарилаётган смартфон русумидаги телефон айна пайтда дунё бозорида харидоргир.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2014 йил 9 январь кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Фаробий кўчаси, 383-уйда жойлашган Республика онкология илмий маркази балансидagi 2003 й. и/ч, д/р 01/9902BA, бошлангич нархи 29 688 600 сўм бўлган «ДЭУ МАГНУС 2.0» русумли; Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди балансидagi 1999 й. и/ч, д/р 01/205FCA, бошлангич нархи 54 402 520 сўм бўлган «Форд Транзит» русумли; Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган «SON TRAMWAY TROLLEYBUS DEPOSI» ДУК балансидagi 1998 й. и/ч, д/р 01/173HCA, бошлангич нархи 1 528 940 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 55-уйда жойлашган, «Шаҳар электр транспортлари хизмат курсатиш шўъбаси» ДУК балансидagi 2000й. и/ч, д/р 01/485YBA, бошлангич нархи 3 800 190 сўм бўлган «BA3-2106» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 16-«А»-уйда жойлашган «O'ZAGROSANOATLOYINA» МЧЖ балансидagi 1999 й. и/ч, д/р 01/635FBA, бошлангич нархи 4 891 287 сўм бўлган «ГА3-3110», 2003 й. и/ч, д/р 01/634FBA, бошлангич нархи 7 127 375 сўм бўлган «ГА3-3102» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан бюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида маъмур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдордаги закатлат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига туланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-соти шартномасини имзолаш, тулганга закатлат пули миқдори сотиб олиш тўлов миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўлулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Маъмур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунча қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Рангин дунё

Шимолий Қизил денгиз



Дунёнинг энг йирик қумли майдонлари билан ўралган, гўёки ҳаётдан узилиб қолгандек кўринувчи бу экотизим қирғоқларини Қизил денгиз сувлари ювиб туради. Денгизнинг шимолий қисми коралл рифларига бой бўлиб, бу ердаги ажиб манзара бошқа бир жойда учрамайди.

Таниқли денгиз тадқиқотчиси, олимпиа Евгения Кларк: "Агар дунёнинг фақат бир жойига шўнғишимга тўғри келиб қолса, ҳеч иккиланмасдан Рас Мухаммадни танлардим", деганди. Салкам қирқ йил сувости дунёсини ўрганган, бир қанча илмий изланишлар олиб борган Кларк хонимнинг фикрича, Қизил денгиз ҳали жуда кўп сувости ажойиботларини инсониятга тўхфа этишга қодир. Айна шу позицияни тутган олимпиа 1980 йили Миср ҳукуматида ушбу худудни миллий қўриқхонага айлантириш таклифи билан чиқади. Орадан уч йил ўтиб, унинг нияти ижобат бўлди.

Чуқур денгиздаги коралл яситоғлиги - Рас Мухаммад баъзан сувостидаги жаннатмакон боғ, деб ҳам аталади. Бу ерда ҳамаша сукунат ва осойишталик ҳукмрон. Сарик, зарғалдоқ, оч яшил рангдаги майин кораллар кўёш нурида ял-ял товланади. Шунингдек, бу ерда юлдузча, бармоқсимон ва таёқсимон қаттиқ кораллар ҳам топилади. Рифдаги баъзи денгиз актиниялари (якка ва ўтрок яшовчи маржон полиплар) пайпаслагичларидидаги сув ўтларидан келаётган зарғалдоқ ранглар шувласи яшанб, ўзидан нур таратиб тургандек кўринади. Сураткашлар ҳарчанд уринмасин бу ердаги илқ нурларни суратга ололмаган. Фақат гаввосларгина бу ердаги ажиб манзарага гувоҳ бўлиши мумкин. Уларнинг айтишича, ёрқин қизил рангли чаёнбалик кундузи очик сувда сузиб юради.

Заҳарли орқа нишлари билан қуролланган бу балиқлар одатда ковак ва пана жойлардаги майда балиқларни пойлаб денгиз тубига яқин жойда ҳаёт кечиради.

Энг қизиги, бир неча гаввосларга айнан шу жойда Жорж лакабли денгиз маҳлуқини учратиш насиб этган. Бу букри балиқнинг кўзи буқаламун мисол ўзгариб туради, лаби сигирниқига ўхшайди, лабиринтсимон нақшинок кўк танаси эса яшил тусга эга. Гарчи Жорж бир қарашда ғалати мавжудот бўлиб кўринса-да, беозор балиқ ҳисобланади.

Рас Мухаммад кўрфазида баъзи гаввослар рифнинг спинорок (тиканли балиқ)лари билан унутилмас учрашувларни бошдан ўтказмади. Бир сафар бу узун (30 см.) балиқ саёз қирғоқдаги кичкина тешикка сув пурлаётган бўлса, кейинги сафар қоziқ тишларини кўрсатиб катта тезликда ҳужумга ўтиши ҳеч эмас. Лекин икки одим нарида улар худди учар ликобна мисол бирданга тўхтаб орта

чеканаётганини кўриш мумкин. Спинороклар бу ҳаракатни бир неча марта такрорлайди. Хавфнинг ортада қолганини ҳис қилган, индидаги янги қўйилган туҳумларни кўздан кечириб ўзи билан ўзи овора бўлади.

Яна бир машур риф Актиния шаҳри ўзининг кўп сонли актиниялари билан ном чиқарган. Бу қоя оқ ва яшил пайпаслагичлари бўлган чайқалиб турувчи қалин гилмадек кўринади. Масхарабоз балиқлар актиниялар ичида у ёқдан бу ёққа елдек югуриб, оёғини осмонга қаратганча тир-жайиб турганга ўхшайди. Бу ерда қора таналарида оқ доғлари бор холдор балиқлар ҳам кун кўради. Спорт билан шуғулланувчи гаввос ҳақиқий лаззат ва хузуур-холоватни айнан Актиния шаҳридан топади. Денгиз олимлари гаввослар ҳамроҳлигида денгиз сирларини очишга қизиқадилар. Бу жой сувости дунёсида симбиоз ҳолда яшовчи масхарабоз балиқ ва денгиз актинияларининг аждоғи намунасини куза-

тиш учун бир саҳна ва тирик лабораториядир. Масхарабоз балиқ ўз ўрнида актинияларни химоя қилса, актиниялар масхарабоз балиқларнинг осойишта ҳаётини таъминлайди. Бу балиқлар актинияларнинг безарар пайпаслагичлари орасида яшайди.

Сувости дунёсини ўрганувчи олимларга масхарабоз балиқлар соҳили деб ном олган жойдаги фот ва ўраларни ўрганадилар. Бу ердаги қоронғуликда болғача шаклидаги шишага ўхшаш сузгичлари бор балиқлар гўж-гўж бўлиб сузиб юради. Улар гав-

восларнинг атрофини супураётгандек митти сузгичларини силкитади ва ўзидан чийилдоқ овозлар чиқаради. Шербалиқ горнинг томи яқинида яшайди. Уларнинг орқасидаги заҳарли нишлари гаввоснинг бошига ўқталиб туради. Кичкина тешикчалардан кўёш нурларнинг гор ичига тушиб туриши натижасида юз берадиган денгиз томошаси бу ерда сузиб юрган ҳар қандай гаввосни сеҳрлаб қўяди.

Қизил денгизда коралларнинг 400, тропик балиқларнинг эса 1000 дан ортиқ тури мавжуд. Бу худудда яшовчи жониворларнинг бу қадар турфа хиллиги олис узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бир неча миллион йиллар илгари Қизил денгизнинг жанубий худуди тўсилган эди. Бироқ, ўрта ер денгизини туташтирувчи жой очик қолган. Мазкур шимолий худуд орқали Атлантика океани жониворлари бу ерга кириб келиб, ўзидан насл қолдирарди. Бироқ, ернинг тектоник ўзгаришлари натижасида Қизил денгизнинг шимолий қисми тўсилиб, жанубий томони очилиб қолади. Натижада Ҳинд океанида яшовчи турлар ҳам кириб кела бошлайди. Тектоник ўзгаришлар Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанлари турларининг қўшилиб кетишига сабаб бўлган бўлса ҳам, иккинчи гуруҳга мансуб турлар ҳозирда бу худудда мутлақ устулик қилиб келмоқда.

Денгиз тубидаги ҳаётнинг хилма-хиллигига яна бир сабаб, бу худуд сувининг ҳаддан ортиқ тозаллигидадир. Кучли кўёш нурлари коралларга жуда яхши таъсир этади. Бу кораллар бағрида яшовчи симбиоз сув ўтларининг фотосинтез жараёнига яқиндан ёрдам беради. Коралларга қанча кўп кўёш нури етиб келса, улар шунчалик тез ўса бошлайди. Қизил денгиздаги қўркам риф болглари балиқлар учун озука топиш, йирткичлардан яшириниш жойи ҳамдир. Шунданми, Қизил денгиз тури-туман, ажойиб фаройиб балиқларни томоша қилиш мумкин бўлган мўъжизавий маскандир.

Зафар МУХАММАД

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



“АСАКА” банк (ОАЖ) жамоаси

Сизларни Конституция куни байрами билан табриклайди
ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат
турини таклиф этади:

«Конституция-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар
ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан
кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк - сармоянгизни сақланиши ва
кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қора зирк

Сертикан бутанинг илдизидан мевасигача фойдали. Унинг кам
ўрганиладиган ҳамма органларида алкалоидлар бор. Айниқса, барг
қайнатмаси иссиқни тушириш, тинчлантириш, микробларга қирон
келтиради.

Қора зирк мевала-ри халқ табиотида юракка қувват бериш, шунингдек, неврастенияда ишла-тилади. Чанқокни қолдириши боис ди-абет ва ич суришга қарши таъсир кўр-са-тадиган восита си-фатида кенг қўлла-нилади. Илдизлари-дан тайёрланган қай-натма ревматизм, сил, кўз касалликла-рида фойда берса, оғиз бўшлиғи чайил-ганда бадбўй хид-ларни қувади. Шу-нингдек, ушбу қай-натмадан меъда-ичак хасталиклари (гастрит, колит), шамоллаш аломатлари кузатилган чоғда терлатувчи восита тариқасида фойдаланиш мумкин. Қора зирк гипертония ва жигар касаллик-лари, ўт, буйрак ва қовуқ яллиғланиши, подагра, ревматизм, радикулитда ҳам тавсия этилади. Замонавий тиббиётда қора зиркдан тайёрланган препарат-лар ёрдамида гепатит, гепатохолецистит, ўт, тош касалликлари самарали даволаниб келинмоқда. Бундан ташқари, қора зирк таркибида мавжуд бербери-рин алкалоиди бактерияларга таъсир кўрсатиши ва қон босимини пасайтириш хусусиятига ҳам эга.



БИЛАСИЗМИ?

Энг кучли ер силкиниши (9,2 балл) 1964 йилнинг 28 мартда Аляска (АҚШ) да кузатилган. Ундан кучлироқ zilzila (9,5 балл) 1960 йили Чилида қайд этилган эди.

Олимлар энг қадимги само жисмлари — метеоритларни ўрганиш асносида Ер сайёрасининг ёшини аниқлашга муваффақ бўлишди. Унга кўра, Ернинг ёши тахминан 4,54 миллиард йилга бориб қолган.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимий ибодатхона

АРХЕОЛОГЛАР КУДДУС ШАҲРИ ЯҚИНИДАН ТАРИХИЙ
АҲАМИЯТГА МОЛИК ТОПИЛМАЛАРГА ДУЧ КЕЛИШГАН.

Манбада келтирилишича, уларнинг орасида 6 минг йил аввал бунёд этилган қадимий ибодатхона ва 10 минг йиллик уй қолдиқлари ҳам бор. Бундан ташқари, қазилмалар чоғида ҳозирги кунда ўта ноёб ҳисобланувчи болталар топилган бўлиб, улар чақмоқтош ва оҳақтошдан ясалгани аниқланган. Археологларнинг гапига қараганда, болталар эгасининг батариблиги боис шу кунгача яхши сақланган. 6 минг йиллик ибодатхонага келсак, археологлар унинг вертикал тош устунини ҳам топишди. Унинг баландлиги 1,3 метр, оғирлиги эса бир неча юз килограммни ташкил этаркан. Тош устун кўринишдан силлиқ бўлиб, ҳар томондан ишлов берилгани билиниб туради.

Яна бир рекорд

КАНЗАС-СИТИ (АҚШ) ШАҲРИДА ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД
СУВ ГОРКАСИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА.

Аттракцион Шлиттербан кўнгилочар сув паркидан жой олиши кутилмоқда. Мазкур иншоотнинг баландлиги 42,6 метрни, тезлиги соатига 100 километр-ни ташкил этади. Айни пайтда Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган дунёдаги энг баланд сув аттракцион Бразилиянинг Форталеза шаҳрида жойлашган. Унинг баландлиги 41 метр бўлиб, ўртача тезлиги соатига 105 километрга етади. Пастга тушиш вақти ўртача 4-5 сония атрофида. Шуниси борки, Insano сув горкаси ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Бундай кўнгилочар иншоотда учин юраги заиф, ҳаддан зиёд семиз, ҳомилдор аёллар учун мутлақо таъқиқланган. Бўйи 140 сантиметрдан паст инсонлар эса унинг яқинига ҳам йўқолмайди.

Сафар МУҲАММАД тайёрлади

Ақбарова Марҳоба Абдужалиловнага Юнусобод туманидаги 27-КТМ томонидан 503953 рақамли 1991 йилда берилган шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

VATAN TUG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Сувон НАҲБИДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ,
Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмаил ХУДОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-89-55, Парламент ва партия хаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 1219, Адади — 5857. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Камолитдин ХОТАМОВ

Навбатчи: Шоҳида ДАМАНОВА

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 23.40.

ISSN 2010-7714

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



Диёримиз аҳлини ва меҳмонларини

Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 21 йиллиги

билан табриклайди.

*Озод ва обод юртимизнинг меҳнатсевар
халқига тинчлик-омонлик, хонадонларига
қут-барака, эзгу ва хайрли ишларида
ҳамиша омад тилайди!*



БАЙРАМ МУБОРАК!

“NAVOIYAZOT”

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини

улуғ байрам –

Конституция куни

билан чин дилдан

қутлайди.

Демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириши ва

фуқаролик жамиятини

ривожлантириши йўлида

дадил одимлаётган

мамлакатимиз истиқболи

порлоқ бўлсин!

“МАРКАЗГАСТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни

**Ўзбекистон
Республикаси
Конституциясининг
21 йиллиги
билан табриклайди.**

Юртимиз тинч,
ҳаётимиз фаровон ва
обод бўлсин.

БАЙРАМ МУБОРАК!

Бугун қадим ва навқирон Бухорода бўлиб, туман ва шаҳарларини кезсангиз, бу заминнинг гуллаб-яшнаётганини, тараққиётга юз тутаётганлигини кўрасиз. Кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлардан кўзингиз қувнайди. Дарҳақиқат, истиқлол вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Юртдошларимиз қалбидан ободлик ва бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи уйғонди. Вилоятнинг sanoat, қишлоқ хўжалиги, savdo ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириши, шу асосда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериши йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини кўриши мумкин.

Жондор туманида ҳам яратувчанлик, бунёдкорлик каби эзгу ниятда юрган кўплаб юртдошларимизни учратиш мумкин. Бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган янгиланиш жараёнлари туманнинг ҳар бир гўшасида ўз аксини топмоқда. Энг олис қишлоқларда ҳам пухта ўйланган лойиҳалар асосида, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда уй-жойлар қурилаётгани юртдошларимиз қувончига сабаб бўлмоқда. Хусусан, туманнинг “Кўча” мавзесида 47 та замонавий уй-жой ўз эгаларига топширилди. Нурали Исломов раҳбарлигидаги “Курувчи Суҳроббек” иختисослаштирилган хусусий корхонаси қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борди.

— Тараққиёт, юксалиш, ободлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бугун вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ишларда қалби қайноқ, янгиллик интилувчан ёшларимиз ҳам фаол иштирок этаётгани кишини қувонтиради. Мен ҳам ота касбининг давом эттириб, бир неча йиллардан

Истиқлол иншоотлари

ОЗОД ЮРТНИНГ

обод гўшалари



буён вилоятимизда қурилиш, таъмирлаш ишларида қатнашиб келаяпман. Дадам Жўра Исмоловнинг ёнида юриб, қурувчилик касбининг сир-асрорларини ўргандим. Ҳар бир ишимизни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш ҳаракатидамыз.

2012 йилда ушбу мавзедан намунавий лойиҳалар асосида 10 та уй-жой барпо этган эдик. Бу йил ҳам қиймати 1 миллиард 283 миллион сўмлик 4 хоналик уйларни ўз муддатидан битказиб, эгаларига топширдик. Яқинда янги уйга кўчиб қирган оилалар ҳовли тўйларини қилишди. Вилоятимизда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишларида 2009 йилдан буён қатнашиб келамиз, дейди биз билан суҳбатда Н.Исмолов.

Шунингдек, “Кўча” мавзесида Жалил Ортиқов раҳбарлигидаги “Семираңго строй сервис” МЧЖ томонидан 10 та намунавий уй-жой қуриб битказилди. Бу ерда ҳам қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишлари олиб борилди.

Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг салобат билан, қишлоқларимиз кўркам кўр кўр бериб турган мана шундай намунавий лойиҳада бунёд этилган муҳташам уй-жойларни кўрасиз. Кишига хуш кайфият берадиган бунёдкорлик манзараларини Олот туманидаги Арабхона мав-

зесида ҳам кўриш мумкин. 2012 йилда мазкур мавзедан намунавий лойиҳалар асосида 25 та уй-жой барпо этилган бўлса, бу йил 10 та замонавий уй-жойни ўз эгаларига топшириш режалаштирилган. Қурилиш ишларини Жумакул Ҳасанов раҳбарлигидаги “Олот таъмир саховат” МЧЖ қурувчилари амалга оширишди. “Қишлоқ қурилиш инвест” томонидан 12 турдаги қурилиш маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилди. Бу эса қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлади.

Ҳар қандай эзгу ишнинг рўёби иқтисодий имконият билан узвий боғлиқ. Қоровулбозор туманида ҳам мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, миллий хунармандчиликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда. Янгидан-янги иншоотлар, спорт мажмуалари, маҳаллалар бунёд этилмоқда. “Бўзачи” ҚФЙдаги “Сардоба” мавзесида 2012 йилда 25 та намунавий лойиҳа асосида уй-жой барпо этилган эди. 2013 йилда 25 та уй-жой ўз эгаларига топширилди. Келгуси йилда ҳам худди шунча янги уй-жой барпо этилади.

Абдурасул Рўзиев раҳбарлигидаги “Аббревиатура таъмир-савдо” МЧЖ 12 та ва Салим Назаров раҳбарлигидаги “Соҳитмони Рушнои” МЧЖ эса 13 та намунавий уй-жойни муддатидан аввал, сифатли қилиб битказишди. Барча уйларга ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси олиб келинди. Айни кунда уй эгалари янги уйларга тўлиқ кўчиб қирдилар. Қурувчилар ўз меҳнатлари билан юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қиляётганларидан мамнун. Вобект туманининг “Бинокор” кўчаси ва “Косари”, “Имомқозихон” мавзеларида ҳам жами 67 та ана шундай намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. 2014 йилда яна 60 та янги уй қурилиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, бухороликлар янги йилни улкан ютуқлар билан қарши олиш ҳаракатида. Буни уларнинг саъй-ҳаракати, ҳатто юз-кўзларидан ҳам билиш мумкин. Бугун вилоятнинг қайси туманида бўлманг, қайси соҳасини кузатманг, истиқлол инъом этган улкан имкониятлар ҳаётда ўз ифодасини топаётганига гувоҳ бўласиз.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК ЖАМОАСИ



*Сиз азиз ватандошларимизни
инсонпарварлик ва адолат тимсоли бўлган*

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан чин қалбдан табриклайди.

*2014 йил учун барча вақтли матубот
нашрларига обуна давом этмоқда.*




“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УК ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Жонажон мамлакатимизда истиқомат
қилаётган барча ватандошларимизни
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИК
шодиёнаси билан табриклайди.*



**Барчангизга мустақкам соғлиқ,
хонадонларингизга қут-барак,
юртимиз тараққиёти
йўлидаги фидокорона
меҳнатларингизга улкан
муваффақиятлар
тилаймиз.**



Бунёдкорлик

Ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг муҳим таянчи

*Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан
халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом
авлод масалалари бўйича” доимий комиссияси бир қатор вазирлик, таш-
килот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда “Ватан келажаги
сенинг қўлингда” лойиҳасини амалга оширмоқда. Унда асосий эътибор
мамлакатимизда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда
амалга оширилётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўша ҳудуддаги
ривожланиш ва ўзгаришлар мисолида аҳолининг кенг қатлами, айниқса,
ёшларга мукамал тушунтиришга қаратилган.*

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Респуб-
ликаси Конституцияси — ижтимоий-сиё-
сий ислохотларнинг, шу жумладан,
сайлов қончилиги тизимининг ҳуқуқий
асосини ташкил этиб, халқимизнинг
иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва
маданиятини ўзида акс эттирган.

Депутатларимиз сайлов эркинлиги,
фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш
бўйича конституциявий ҳуқуқларини
амалга ошириш, мамлакатимизда демок-
ратик нормаларни тўла ифода этадиган
сайлов тизимини, қабул қилинаётган
қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг
жамоатчиликка етказиш, уларнинг иж-
роси устидан депутатлик назорати олиб
боришни фаолиятларининг асосий ме-
зонига айлантиришга интиломқдалар.

ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари
ўз фаолиятларида партиянинг дастурий
мақсадлари ва сайловолди Платформа-
сида белгиланган вазифалар ижросига,
хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни
қўллаб-қувватлаш, миллий хунарман-
дчилик, касаначилик ва оилавий биз-
несни ривожлантиришга кўмаклашиш
масалаларига алоҳида эътибор қаратиш-
моқда. Шу билан бирга жойлардаги ай-
рим муаммолар ечимини топиш ва худуд-
ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
омилларини ўрганиш биз депутатлар учун
муҳим масалалардан бирига айланган.

Бунда, айниқса, худудларда янги иш
ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини
таъминлаш, ёшларни ишга жойлашти-
ришга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб
этмоқда.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кен-
гашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом
авлод масалалари бўйича” доимий ком-
иссияси аъзолари томонидан алоҳида
эътибор қаратилаётган масалалардан
бири — жойлардаги муаммоларни ижо-
бий ҳал қилиш, қонунчилик тизимини
янада мустақкамлашга ҳисса қўшиш,
худудларда қонунларнинг қай даража-
да ишлаётганини таҳлил қилиб тегишли
тақлифларни илгари суришдан иборат.

қараб, замон билан ҳамнафас яшашла-
ри лозимлиги билан изохлаш мумкин.
Зеро, бугун юртимизда амалга ошири-
лаётган асрларга татигулик ишлар бу-
тун дунёда эътироф этилмоқда. Бу жа-
раёнда депутатларнинг аҳоли кенг қат-
ламлари, сайловчилар, айниқса, ёшлар
билан олиб бораётган очик мулоқотла-
ридан кўзланган мақсад ҳар бир юртдо-
шимизга ватан тақдирига дахлдорлик
туйғуси билан яшаш муқаддас бурчли-
гини тўлиқ англаштишдан иборат.

Вилоятимизда бугунги кунда бунёд-
корлик ва яратувчанлик йўлида амалга
оширилаётган улкан ишлар халқимиз фа-
ровонлигини ошириш билан бирга ёшлар-
имизнинг ҳар томонлама баркамол
бўлиб вояга етишига муносиб шарт-ша-
роитлар яратишга хизмат қилмоқда. Маз-
кур ўзгаришлар Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентининг “Хоразм вилояти
саноат салоҳиятини ошириш, туризм со-
ҳасини ривожлантириш, аҳоли ичимлик
суви таъминотини яхшилаш ҳамда обод-
донлаштириш ишларини тубдан ўзгар-
тириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш
тўғрисида”ги Фармойиши ва ушбу ҳуж-
жат ижроси юзасидан қабул қилинган
“2013-2015 йилларда Хоразм вилояти
саноат салоҳиятини ошириш дастури
ҳақидаги” ва “Урганч шаҳрининг бош
режасини амалга ошириш, ободонлаш-
тириш ҳамда Хоразм вилоятида сув таъ-
минотини тубдан яхшилаш чора-тадбир-
лари тўғрисида”ги Қарорлари асосида
амалга оширилмоқда. Шунингдек, Дав-
латимиз раҳбарининг “2013-2015 йил-
ларда Хоразм вилоятида сайёҳлик соҳа-
сини ривожлантириш Дастури тўғриси-
да”ги Қарори вилоятимиз туризм тарақ-
қиётида муҳим ўрин тутмоқда. Қарор
билан тасдиқланган Дастур доирасида
соҳага 86,8 млн. АҚШ доллари миқдо-
ридаги инвестиция жалб қилиниб, икки
юзга яқин лойиҳаларни амалга ошириш
кўзда тутилган. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентининг “Хоразм вилоятида
Тошсоқа тизими магистрал суғориш ка-
налларини қайта тиклаш лойиҳасини
амалга ошириш чора-тадбирлари тўғри-
сида”ги Қарори эса худуддаги муаммо-
ларнинг ечими, суғориш тармоқлари-
нинг яхшиланиши ва аҳоли турмуш фа-
ровонлигини янада оширишда муҳим
аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг “2011-2016

йилларда олий таълим муассасалари-
нинг моддий-техника базасини
модернизациялаш ва мутахассислар
тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш
Дастури” олий таълим муассасалари-
нинг ўқув-лаборатория корпуслари,
спорт заллари ва талабалар турар-жой-
ларини, шу жумладан, биргаликда фой-
даланиладиган олий таълим муассаса-
лари олимий-лаборатория комплек-
ларини жиҳозлашни ташкил этади. Ҳуку-
мат қарорига мувофиқ, олий таълим
муассасаларининг моддий-техник ба-
засини модернизация қилиш ва мута-
хассислар тайёрлаш сифатини тубдан
яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга
мўлжалланган дастурни амалга оши-
риш учун 277 миллиард сўмдан ортик
маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Бу
борада вилоятимизда 8 минг нафарга
яқин талаба таҳсил олаётган 3 та олий
ўқув юртининг моддий-техник базасини
модернизация қилиш йўлида бунёдкор-
лик ишлари амалга оширилиб, талаба-
лари муносиб шароитлар яратиш мақ-
садида кенг кўламли тадбирлар амалга
оширилмоқда. Урганч давлат универ-
ситети ва Тошкент ахборот технология-
лари университети Урганч филиалида
фойдаланишга топширилган янги бино-
лар жисмонан соғлом, маънан етук,
юксак салоҳиятли, келажакка ишонч би-
лан қарайдиган ёшларимиз учун муно-
сиб соғва бўлди. Жорий йилда Хоразм
воҳасида ўтказилган “Талабалар баҳори”,
“Биз — буюк юрт фарзандларимиз”
фестиваллари ёшларимизга бўлган
эътиборнинг яна бир намунаси бўлди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликка ви-
лоятимиз ёшлари ҳам аъло ўқишлари,
турли танловлардаги ютуқлари, спорт
ареналаридаги муваффақиятли чиқиш-
лари билан муносиб жавоб қайтаришга
ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан,
жорий йилда вилоятимиз олий таълим му-
ассасалари талабаларидан 2 нафара
Президент стипендианти, 5 нафара
эса бошқа давлат стипендиялари соҳибла-
ри билан муносиб жавоб қайтаришга
ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан,
жорий йилда вилоятимиз олий таълим му-
ассасалари талабаларидан 2 нафара
Президент стипендианти, 5 нафара
эса бошқа давлат стипендиялари соҳибла-
ри билан муносиб жавоб қайтаришга
ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан,
жорий йилда вилоятимиз олий таълим му-
ассасалари талабаларидан 2 нафара
Президент стипендианти, 5 нафара
эса бошқа давлат стипендиялари соҳибла-
ри билан муносиб жавоб қайтаришга
ҳаракат қилмоқдалар.

Мухтасар айтганда, вилоятимизда
турли соҳаларда эришилаётган ютуқ ва
марралар аҳоли фаровонлигини таъ-
минлаш баробарида туб ислохотлар ва
янгилашлар шароитида фуқаролар-
нинг ижтимоий фаоллигини янада оши-
ришга хизмат қилади.

Рўзимбой ЭШЧАНОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилояти
кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик
гуруҳи раҳбари, Ёшлар сиёсати
ва соғлом авлод
масалалари бўйича
доимий комиссия раиси

“СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ОАЖ ЖАМОАСИ

Азиз юртдошларимизни

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганлигининг
21 йиллиги**

билан самимий табриклайди.

**Ҳамиша бизга юрт тинчлиги, кўнгил осойишталиги ва
оила бахтиёрлиги ҳамроҳ бўлсин!**



**Xalq farovonligi -
faoliyatimiz mezon**

**21 yil
8-dekabr**

**O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi kuni
muborak bo'lsin!**

“Agrobank” ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi 43
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

Семинар

Универсал журналист

нималарни билиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг март ойида тасдиқланган “Ёш журналистлар малакасини ошириш, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари тажрибасини ўрганиш борасида белгиланган чора тадбирлар” режасига мувофиқ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда “Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари” мавзусида II илмий-амалий семинар ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги негиздаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ходимлари, профессор-ўқитув-

чилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз таъбири билан айтганда, журналист — элу юртнинг қувонч-ташвишларига шерик, давлат ва жамият ўртасида ҳолис воситачи, доим янгиликлар изидан юрвчи, жамият ҳаётининг очиқ ва шаффоқлигини таъминлашни ўз бурчи деб билувчи, жасур, фидойи ва беҳаловат инсон, - деди семинарни кириш сўзи билан очган ЎЗМУ журналистика факультети декани Маҳлиё Мирсоатова. — Мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш журналистан тезкорлик ва ҳолисликни талаб этади. Табиийки, бу жараёнда ихтисослашган журналистларнинг тайёрлаш зарурати туғилади.

Барчамизга аёнки, оммавий ахборот воситаларининг ихтисослашув масаласи бугунги кунда ихтисодиёт,

ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳуқуқ, илм-фан, маърифат, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат соҳаларида бўлаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини чуқур таҳлилий ва таъсирчан ёритишда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Тадбирда глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситалари вакиллари бир вақтнинг ўзига янгиликлар ёза билиши, интервью олиши, фото ва видеога тушириш маҳоратига эга бўлиши, уларни чоп этиш ёки эфирга узатишга қодир универсал журналистларни етиштириш ҳозирги кунда жуда ҳам муҳим эканлиги, ҳам аънавий журналистик малака, ҳам аниқ соҳалар бўйича малака ва кўникма ҳосил қилиш кераклиги эътироф этилди.

Семинар чоғида “Мустақил Ўзбекистонда ОАВ тараққиёти тенденциялари”, “Ўзбекистонда профессионал кадрларни тайёрлаш масалалари”, “Бугунги кун журналистнинг касб маҳорати”, “Парламентда журналистларни аккредитация қилишнинг зарурати” ҳамда “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментда ОАВнинг роли” каби мавзулар бўйича ҳам маърузалар тингланди.

Фаол иштирокчилар ва ҳамкор ташкилотлар диплом билан тақдирланди.

Конференция

Имконияти чекланган инсонлар

ҳимоясида ННТларнинг ўрни

“Гранд Мир” меҳмонхонасида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марка ҳамкорлигида Ўзбекистон давлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси қошидаги имконияти чекланган инсонлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ННТларни бирлаштирувчи маслаҳат кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда имконияти чекланган инсонлар масаласи билан шуғулланувчи давлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқаро ташкилот ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бошқа миллий аъналаримиз қатори улоқ-кўпқари ўйинлари ҳам қайта тикланди ва тобора оммалашиб бормоқда, - дейди тўрақўрғонлик меҳнат фахрийси Усмонали Раҳмонов. — Бугун мен ўз ёшлигимга қайтгандай бўлдим. Мустақиллигимиз ва юртимиз тинчлиги барқарор бўлсин.

Мусобақада тўрақўрғонлик Мардон полвон, Карим полвон, қосонсойлик Санжар чавандоз, Сурхондарё вилоятидан Уринкул полвон, Тошкент вилоятидан Рустам полвон, Шерхон полвон, Андижондан Сулаймон чавандоз, сирдарёлик Сайфи полвон ва Тохир полвон, Фарғонадан Абдурайим полвон ғолиб чиқдилар.

Мусобақанинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА муҳбири

Тадбирдан кўзланган мақсад республикамиздаги имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича” конвенциясини ратификация қилиш бўйича миллий ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат ва жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Мазкур конвенция XXI асрда инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки шартнома бўлиб, унда имконияти чекланган инсонлар мурувват кўрсатиладиган объект эмас, бал-

ки ҳуқуқ ва эркинликларга эга, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда жамият ҳамда давлатнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари экани таъкидланди. Шунингдек, конвенция имконияти чекланган 650 миллиондан ортиқ ногиронларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қақарилади. Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжат ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим қарорларнинг қабул қилинишидаги иштирокини кенгайтиришга кўмак беради.

Мамлакатимиз Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуний ҳужжатларда жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мустақамлаб кўйилган.

Конференцияда дастур доирасида имконияти чекланган инсонлар масаласи билан шуғулланувчи давлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маърузалар тингланди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун мўлжалланган махсус инклюзив таълим тизими такомиллаштирилаётгани, масофадан туриб ўқитишни ташкил этиш, мазкур тоифадаги болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган таълим муассасаларини тегишли электрон-ахборот таълим ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш ҳамда уларнинг истиқбол режаси амалга оширилаётгани ҳақида сўз борди.

Тўмарис АбЗАМ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Барҳаёт аъналар

Наманганда улоқ-кўпқари

Халқимизнинг қадимий қадрият, урф-одат ва аъналарини сирасига кирадиган улоқ-кўпқари мусобақаси йиғиларни мардлик, эҷчиллик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Наманган вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси, болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган улоқ-кўпқари мусобақасида Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидан беш юз нафардан зиёд моҳир чавандоз иштирок этди.